2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 227 (1288), 2024 йил 8 ноябрь, жума

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

СУВ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА КЕСКИН ЎЗГАРИШ ҚИЛИШНИНГ БИРДАН-БИР ЙЎЛИ — РАҚАМЛАШТИРИШ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 7 ноябрь куни қишлоқ хўжалигида сув ва энергия манбаларидан оқилона фойдаланиш ҳамда йўқотишларни камайтириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Бугун дунёда экологик муаммолар, табиий офатлар кўпайиб бормоқда. Бизнинг минтақамизга сув танқислиги хавф солмоқда. Шу боис, мамлакатимизда сув тежовчи технологияларни жорий қилиш, бу неъматни асраш бўйича кўп ишлар қилинмоқда.

Жумладан, 550 километр канал ва ариқлар бетонлангани эвазига 200 минг гектарда сув яхшиланди, йилига 450 миллион куб метр сув иқтисод бўляпти. Фермер ва кластерлар томонидан ҳам 13 минг километр ички тармоқ бетонланди.

Сув бошқаруви ислоҳ қилиниб, туманларда сувни ҳисобга олиш тизими шаклланди, фермерлар сувни ҳисоб-китоб қилишни ўрганди. Шаффоф тизим йўлга қўйилгани натижасида бу йил ерга 2 карра кўп сув борди, яна 6 миллиард куб метр сув ҳисоби жойига қўйилди.

Лекин ҳали долзарб масалалар кўп. Масалан, кластер ва фермерларга етказиб берилаётган ҳар бир куб метр сувга республика бўйича ўртача 212 сўм харажат қилиняпти. Бухоро, Қашқадарё ва Наманган вилоятларида бу 2-3 баробар қиммат.

Охирги йилларда 1 миллиард доллар ҳисобига Қарши, Аму-Бухоро, Аму-Занг каби йирик насос станциялари модернизация қилинди. Лекин ўрта ва майда насослар эскилиги сабабли сув таннархи ошиб кетяпти. Бетонлаш ҳисобига йўқотиш 10-15 фоизга камайган бўлса-да, 20 та туманда бу кўрсаткич юқори.

Шу каби муаммолардан келиб чиқиб, йиғилишда галдаги вазифалар белгиланди.

Жойларда ҳали бетонлаш зарур бўлган 18 минг километр магистрал ва 94 минг километр ички каналлар бор. Шу боис, келгуси йилда бу ишларга 800 миллиард сўм ажратилиши қайд этилди.

Ўтган йили техника, ишчи кучи ва қумшағалдан ёрдам бўлгани учун бетонлаш харажати 2 карра арзонлашган. Пудратчиларга тўғридан тўғри шартнома асосида цемент етказиб бериш орқали таннархни яна 20 фоизга пасайтириш мумкинлиги айтилди.

Яна бир жиҳати — бетонланган каналларда сув оқими тезлашади. Бу — кичик ГЭСлар қуриб, электр олишга катта имконият. Навоий вилоятида 11 мегаваттли 148 та шундай станция қуриш бошланган. Умуман, ҳудудларда 2 мингта микро ГЭС қуриб, йилига қўшимча 600 миллион киловатт электр олиш мумкин.

Мутасаддиларга бу борада хусусий шериклик шартларини ишлаб чиқиб, тадбиркорларга эълон қилиш топширилди.

Давлатимиз раҳбари соҳадаги яхши тажрибаларни кўрсатиб ўтди. Жиззах вилояти Дўстлик туманида сув бошқарувини ақлли тизимга ўтказиш бўйича 21 миллион долларлик лойиҳа якунланган. Сув тақсимланадиган 2 мингта нуқтага ҳисоблагич ва видеокамера ўрнатилган. Бунда автоматлашган бошқарув натижасида 20 фоиз, суғориш тармоқларини таъмирлаш ҳисобига яна 10 фоиз сув тежалади. Сув бошқаруви хусусий секторга берилиб, фермерлар билан кооперация тузилади. Илк бор сувга олдиндан тўлов бўлади.

Вилоят ҳокимларига ушбу тизимни ўрганиб, сув таъминоти оғир туманларда жорий этиш вазифаси қўйилди.

Бугунги кунда ерларни суғоришга 1 минг 600 дан зиёд насос станция ишлатилмоқда. Улар ўзига яраша электр энергияси талаб қилади. Шу боис, 2025 йил — сув хўжалигида “насослар самарадорлигини ошириш йили” бўлиши белгиланди.

Хусусий шерик билан тежамкор насос ва қуёш панели ўрнатиб, 20 фоиз электр тежаш мумкин. Масалан, хоразмлик деҳқонлар шундай қиляпти. Шунингдек, қуёш панели ўрнатиб, эҳтиёжидан ортган электрни давлатга сотиб, ойига қўшимча 7-8 миллион сўм даромад оляпти.

Мутасаддиларга ушбу тажрибани кенгайтиришни рағбатлантириш бўйича топшириқлар берилди.

Республика бўйича 2 миллион гектарда сув тежовчи технологиялар жорий қилингани натижасида ўтган йилнинг ўзида 2 миллиард куб метр сув тежалган. Лекин айрим далаларда ўрнатилган ускуналар ишламаяпти.

Энди бу қатъий назоратга олинади. Келгуси йилда яна 500 минг гектарда сув тежовчи технологиялар ўрнатилади. Қорақалпоғистонда қўлланган лазерли текисланган ернинг ҳар гектарига 1 миллион сўмдан субсидия бериш тизими энди Хоразмда ҳам бўлади. Бошқа ҳудудларда ҳам лазерли текислаш кенгайтирилади.

Баҳор ва куздаги сел сувларини йиғиш — соҳадаги яна бир манба. Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Наманган, Фарғона ва Тошкент вилоятларида шундай иншоотлар барпо қилиб, 50 минг гектарда сув таъминотини яхшилаш имкони бор. “Ўзбекгидроэнерго” компанияси бу борада икки йиллик режа олди.

Президентимиз сув хўжалиги соҳасида кескин ўзгариш қилишнинг бирдан-бир йўли рақамлаштириш эканини таъкидлади.

Насос станцияларига онлайн назорат ва “ақлли сув” қурилмалари олиб келинган. Лекин улардан олинадиган маълумотларни жамлаб, таҳлил қиладиган ахборот тизими йўқ. Сув истеъмоли ва ҳисоб-китоби ўта мураккаб.

Шу боис, вазирлик ҳузурида Сув хўжалигини рақамлаштириш маркази тузилиши белгиланди. Унда сув истеъмоли ва ҳисобини юритишнинг ягона ахборот тизими ишга туширилади.

Мутасаддиларга сув хўжалигида 2030 йилгача бўлган энг муҳим лойиҳалар дастурини тайёрлаш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан вазирлар, ҳокимлар ва соҳа мутахассисларининг фикр ва таклифлари эшитилди.

ЎзА

МУСИҚА, ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА ҲАРБИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК ШАХС КАМОЛОТИДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев мактабларда мусиқа, жисмоний тарбия ва ҳарбий ватанпарварлик фанлари сифатини ошириш бўйича тақдимот билан танишди.

Бу ҳақда 30 сентябрь куни Педагогик маҳорат миллий институтида ўқитувчилар билан бўлган мулоқотда айтилган эди. Давлатимиз раҳбари ушбу уч йўналишнинг шахс камолотидаги ўрнига аҳамият қаратиб, уларни ўқитишни такомиллаштириш долзарблигини таъкидлаган эди.

Масалан, мактаблардаги мусиқа ўқитувчиларининг 21 фоизи ўрта махсус маълумотли. Баъзиларининг ўзи чолғу асбобларини чала олмайди. Сабаби мусиқа ўқитувчиларининг амалий малака ошириш тизими йўқ, бу борада санъат мактаблари билан ҳамкорлик йўлга қўйилмаган. Маданият институтлари битирувчилари ўқитувчиликка қабул қилинмайди.

Шу боис, мактабларда сабоқлар сифатини ошириш бўйича қатор чора-тадбирлар таклиф этилмоқда.

Хусусан, мусиқа маданияти фани ўқитувчиларининг билим даражаси ва касбий маҳорати баҳоланиб, малака ошириш тизими йўлга қўйилади. Бу йўналиш бўйича ўқув қўлланмалари, ўқитувчиларга тоифа беришнинг янги тартиби ишлаб чиқилади.

“Турон мактаб театри”нинг ижобий тажрибаси асосида мактабларда “Иқтидор” ҳаваскорлар бадиий жамоалари ташкил этилади. Олий таълим муассасаларининг мусиқа ва санъат йўналиши битирувчиларига мактабларда ишлашга рухсат берилади.

Ҳудудлардаги мусиқа ва санъат мактабларини умумтаълим мактабларига таянч мактаб сифатида бириктириш, иқтидорли ўқувчиларни кашф этиш мақсадида мунтазам кўрик-танловлар ўтказиш зарурлиги қайд этилди.

Ёшларни оммавий спортга кенг жалб қилиш ҳам муҳим. Мактабларда 22 та олимпия, 19 та ноолимпия, 4 та миллий спорт турлари ўргатилади. Лекин жисмоний тарбия ўқитувчилари учун услубий қўлланмалар йўқ. Ўқувчиларни селекция қилиш тизимли эмас.

Шунинг учун жисмоний тарбия фани бўйича ўқув қўлланмалар ишлаб чиқилиб, ўқув дастурлари такомиллаштирилади. Ушбу фан ўқитувчиларининг билим даражаси ва касбий маҳоратини аниқлаш бўйича миллий баҳолаш тизими йўлга қўйилади.

Келгуси ўқув йилидан бошлаб, босқичма-босқич ҳамма жойда мактаб спорт клублари ташкил этилади. Бу йўналишда ҳам ўқитувчиларга тоифа беришнинг янги тартиби, мактабларнинг спорт бўйича рейтинг тизими ишлаб чиқилади.

Бугун замоннинг ўзи ҳар бир фуқародан ватанпарвар бўлишни тақозо этмоқда. Бунда, айниқса, ҳарбий хизматчилар, чақириққача бошланғич тайёргарлик фани ўқитувчилари ўрнак бўлишлари керак.

Ҳозир мактабларда қарийб 10 минг нафар ана шундай педагоглар фаолият кўрсатмоқда. Лекин уларнинг 27 фоизи номутахассис. 2 минг 750 та мактабда ушбу фан учун шароит етарли эмас.

Шу боис, энди чақириққача бошланғич тайёргарлик ўқитувчиси штати Мудофаа вазирлигига ўтади. Энди бу вазифага Қуролли Кучлар захирасидаги ҳарбийлар ишга қабул қилинади.

Мазкур фан бўйича янги ўқув дастури ва дарсликлар яратилади. Ҳар бир туман ва шаҳарда биттадан мактаб негизида “Жасорат мактаби” фаолияти йўлга қўйилади.

Мутасаддилар бу борадаги ишларни ташкил этиш режалари юзасидан ахборот берди. Олий ўқув юртларида мазкур йўналишлар бўйича педагоглар тайёрлашни тубдан ўзгартириш, малака талаблари ва таълим сифатини ошириш бўйича топшириқлар берилди.

ЎзА

Муносабат

ТУРКИЙ ОЛАМ: МУШТАРАК МАДАНИЙ МЕРОС ҲАМДА УМУМИЙ ҚАДРИЯТЛАР


Ўзбекистон Туркий давлатлар ташкилотига аъзо бўлганидан бошлаб қисқа муддат ичида давлатлараро муносабатларнинг деярли барча соҳаларида кўплаб ижобий ўзгаришларга эришилди. Бугунги кунда Туркий давлатлар ташкилоти доирасидаги барқарор, кўп томонлама алоқалар аҳамиятини тушуниш ортиб бормоқда, ўзаро ишонч кучаяётгани кузатилмоқда.

6 ноябрь куни Бишкек шаҳрида Туркий давлатлар ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Тадбирда кўплаб муҳим ташаббусларни илгари сурган Президентимиз қардош халқларимизни бир-бирига янада яқинлаштириш, ёшларимизни аждодларимизга муносиб руҳда тарбиялаш мақсадида туркий эллар фольклорининг кўп жилдли мажмуасини аъзо мамлакатлар тилларида нашр этиш, бу борада “Туркий мамлакатлар тарихи” каби фундаментал тадқиқотларни биргаликда яратиш долзарб вазифа эканини таъкидлади.

Давоми 2-бетда

Давлат дастури — амалда



ЭКОЛОГИЯ ва АТРОФ-МУҲИТ соҳасидаги МУАММОЛАРНИ самарали ҲАЛ ЭТИШГА БОҒЛИҚ

Она сайёрамиз — ягона яшаш маконимиз. Ейдиган нонимиз, таомимиз, узоқ ва соғлом умр кечиришимиз учун ҳаёт манбаи бўлган тоза сув, мусаффо ҳаво каби муҳим неъматларнинг барчасини бизга табиат тортиқ этади. Буларсиз ҳаёт кечириш имконсиз. Шу боис, ҳаёт пайдо бўлибдики, унинг бардавомлигини таъминлаш учун инсоният доимо табиат билан уйғунликка интилади.

Аммо ўтган асрларда бу мезонлар анчагина бузилди. Оқибати эса аён. Аёвсиз муносабатлар натижасини бугун табиат бизга турли кўринишда қайтармоқда. Кейинги вақтларда интернет ва оммавий ахборот воситаларида дунёнинг турли минтақаларида рўй бераётган экологик офатлар — сув тошқинлари, тўфонлар, иқлим исиши натижасида юзага келаётган муаммолар ҳақида тарқалаётган ахборотлар бунинг исботи.

Чегара билмас бундай экологик нохушликлар юртимизни ҳам четлаб ўтмаяпти. Ёзда иссиқ ҳароратнинг меъёрдан ошиб кетиши, қишдаги аномал совуқ кунлар, тез-тез рўй бераётган чанг-тўзонлар, чўлланиш, тупроқ деградацияси каби нохуш ҳолатлар бунга мисол. Ачинарлиси, бундай экологик инқироз ва атроф-муҳит ифлосланиши билан боғлиқ глобал муаммолар кўлами ортиши натижасида инсон саломатлиги ва ҳаёти учун жиддий хавф кучайиб бормоқда.

Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

У.Б.ҚОСИМОВНИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 15-банди ва 124-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ **Улуғбек Бердиқобилович Қосимов** Сурхондарё вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2024 йил 7 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ш.К.АБДУРАХМАНОВНИ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 15-банди ва 124-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ **Шухратбек Кушақбаевич Абдурахманов** Андижон вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2024 йил 7 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ш.Ш.АБДУРАЗАКОВНИ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 15-банди ва 124-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ **Шавкат Шокирджанович Абдуразаков** Наманган вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2024 йил 7 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

А.А.МАХМУДАЛИЕВНИ СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 15-банди ва 124-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ **Акмалжон Азимжонович Махмудалиев** Сирдарё вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2024 йил 7 ноябрь

2024 йил 8 ноябрь, 227-сон

Туркий тилли давлатларнинг ихтиёрий бирлашуви асосида вужудга келган бу халқаро ташкилотнинг мақсади ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ҳар томонлама ривожлантиришдан иборат. Туркий тилли халқлар ўртасидаги тарихий ришталар, умумий тил, маданият ва анъаналар бундай ҳамкорликнинг тагзаминини ташкил этади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

Муносабат



ТУРКИЙ ОЛАМ:
МУШТАРАК МАДАНИЙ МЕРОС ҲАМДА УМУМИЙ ҚАДРИЯТЛАР

Дурбек САЙФУЛЛАЕВ,
Тошкент давлат шарқшунослик университети проректори, тарих фанлари доктори, профессор

Бошланиши 1-бетда

Шунингдек, туркий тиллардан бевосита таржима қилишни рағбатлантириш, мактабларимизда туркий халқлар ва уларнинг тарихи, этнографияси, маданияти ва санъати ҳақида факультатив дарсларни йўлга қўйиш лозимлигига ҳам тўхталди.

Халқаро бирлаштирувчи уюшма сифатидаги Туркий давлатлар ташкилоти ўз олдига умуминсоний ва гуманитар мақсадлар қўймоқда. Масалан, туркий тилли давлатлар ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни янада чуқурлаштириш, шунингдек, ҳудудимизда ва жаҳонда миллатлараро келишув ва барқарорликка биргаликда ҳисса қўшиш тузилманинг асосий вазифаси этиб белгиланган.

Қадимий маданият орқали боғланган туркий тилли мамлакатлар халқларининг бирлашуви бугунги жамиятда жадал ривожланиб бораётган тенденциялардан биридир. Мазкур масалада бунга ўхшаш бирлаштирувчи лойиҳалар, сиёсий ва маданий фаолият соҳасида Ўзбекистоннинг юксалиб бораётган таъсири жуда аҳамиятлидир. Туркий давлатлар ташкилоти саммитларида мамлакатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган, бутун туркий оламнинг фахрига айланган аждодларимизнинг бебаҳо меросини биргаликда ўрганишга йўналтирилган ташаббуслари алоҳида эътиборга лойиқ. Масалан, Президентимиз Жалолиддин Румий, Юнус Эмро, Юсуф Хос Ҳожиб, Низомий Ганжавий, Махтумқули Фироғий ва Бобораҳим Машраб каби буюк шоирлар ҳақида сўз юритар экан, уларнинг мероси барча туркий халқларнинг умумий маънавий бойлиги эканини таъкидлади.

> **Туркий давлатлар ташкилотининг 2019 йил октябрда Бокуда бўлиб ўтган саммитида Ўзбекистон Президентининг фан ва таълим, маданият ва санъат ривожига, шунингдек, туркий оламнинг бирлашувига катта ҳисса қўшган мумтоз шахсларни тақдирлаш мақсадида халқаро мукофот таъсис этиш тўғрисидаги таклифи маъқулланган эди. Бу нуфузли мукофотни нафақат халқимиз, айни пайтда бутун туркий дунёнинг фахру ғурурига айланган улуғ мутафаккир Алишер Навоий номи билан аташ тўғрисидаги таклиф аъзо давлатлар томонидан қўллаб-қувватланди.**

Шу ўринда Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар захираларида қимматбаҳо мерос сақланаётганини алоҳида қайд этиш жоиз. Хусусан, Ўзбекистонда туркий халқлар умумий тарихи ва маданияти билан боғлиқ 200 мингга яқин нодир қўлёзма мавжуд.

Ноёб асарларни ўрганиш, уларни таржима қилиш, маълумотларнинг ягона базасини яратиш, рақамли технологияларни жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Президенти Туркий тилли мамлакатларнинг тарихий, илмий ва маданий меросини ўрганиш бўйича тадқиқот маркази яратиш борасидаги ташаббусни илгари сурди. Бу лойиҳа қардош туркий халқларнинг бебаҳо меросини келажак авлодларга етказиш жараёнига қўшиладиган улкан ҳиссадир.

Туркий давлатлар ташкилоти мамлакатларининг фан ва маърифат соҳасидаги ўзаро ҳаракатлари сўнгги йилларда сезиларли даражада фаоллашди. Ўзбек олимлари туркий давлатлар маданий меросини ўрганиш ва оммалаштириш масалаларига бағишланган халқаро анжуманларда фаол иштирок этмоқда. Фан соҳасида бирлашиш туркий халқлар умуммиллий қадриятлар, маданият ҳамда бой маънавий мерос тарғиботини биргаликда ва яқин ҳамкорликда илгари суриш мақсадининг яна бир исботидир.



Давлат раҳбарларининг кейинги йиллардаги учрашувларида зиёрат туризмини ривожлантириш, шунингдек, дунё халқларини Ўзбекистондаги улуғ боболаримиз хоки қўйилган жойлар билан таништириш мақсадида ишлаб чиқилган туристик лойиҳалар — “Туркий олам туризми”, “Муқаддас жойлар бўйлаб зиёрат”ни амалга ошириш бўйича “йўл харитаси”ни тасдиқлаш, бундан ташқари, ҳунармандлар буюмлари кўргазмаси ва этноспорт мусобақалари ўтказишни йўлга қўйиш, маданий мерос объектларини асраш, қайта тиклаш ва бошқалар таклиф этилди. Саёҳатнинг ушбу турини ривожлантириш туфайли сўнгги йилларда аҳоли бандлиги таъминланмоқда, инфратузилма такомиллашмоқда. Қадимий тарихий бинолар, ёдгорликлар ва қадамжолар қарор топган масканларда эса тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Бугунги кунда туркий мамлакатларнинг фан ривожига қўшган ҳиссасини чуқур ўрганиш ва маданият-шунослик соҳасидаги тадқиқотларни ҳамкорликда ташкил этиш борасидаги вазифалар долзарб аҳамият касб этмоқда. Масалан, ўтган йилнинг сентябрь ойида 2020 йилда туркий олам маданий пойтахти мақомига эга бўлган қадимий Хивада ЮНЕСКО билан ҳамкорликда “Марказий Осиё жаҳон тамаддунлари чорраҳасида” халқаро форуми ташкил этилган эди. Бу тадбир ТДТга аъзо давлатларнинг фан, таълим, маданият ва санъат соҳаларидаги ҳамкорлик маконини кенгайтиришга имкон берди.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 29 июлдаги “Туркий давлатлар билан туризм соҳасидаги ҳамкорликни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, ўтказилган халқаро шеърият фестивали туркий халқлар шоирлари ва таржимонлари, шунингдек, адабий ташкилотлар ўртасида алоқаларни ривожлантириш, қардош халқлар ижодкорларининг яқиндан мулоқотини йўлга қўйишга қаратилгани билан ҳам янада аҳамиятли бўлди.

> **Фестиваль доирасида туркий мамлакатлардан ташриф буюрган адиблар барча туркий халқларнинг буюк шоири Алишер Навоий ҳайкали пойига эҳтиром рамзи сифатида гул қўйиб, аллома номи билан аталадиган боғга янги кўчат қададилар. “Туркий адабиёт дурдоналари” 100 жилдлиги ҳамда “Истиқлол даври ўзбек навоийшунослиги” китобининг 30 жилдлиги, Алишер Навоийнинг қозоқ тилида чоп этилган “Хамса” асари тақдимоти туркий тилларда ижод қиладиган шоир-ёзувчиларда чуқур таассурот қолдирди.**

Қачонлардир туркий олам учун ҳам, кўплаб бошқа халқаро ташкилотлар учун ҳам ёпиқ бўлган Ўзбекистон бугун ўз ютуқларини жаҳонга кўрсатибгина қолмай, барча соҳаларда барқарор тараққиётга эришишга имкон яратадиган дадил ташаббусларни илгари сурувчи мамлакатга айланиб бормоқда. Кенг жамоатчилигимиз — олимлар, зиёлилар, адиблар, санъат аҳли юртимизнинг нуфузи ва мавқеини жаҳон миқёсида юксалтиришга жазм қилган.

Халқаро ҳамкорлик

ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ:
ИНСОН РЕСУРСЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДА МАНФААТЛИ ШЕРИКЧИЛИК

Дилшод КЕНЖАЕВ,
Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги бошқарма бошлиғи, тарих фанлари номзоди



Жорий йил 6 ноябрь куни Президентимиз Туркий давлатлар ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган мажлисида иштирок этди ва нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари саммит кун тартибидан келиб чиқиб, қатор устувор йўналишларга эътибор қаратди.

“Бугун ташкилотимизнинг тарихий ҳужжати — Туркий дунё хартияси қабул қилиниши қардош давлатлар ва халқларимиз ўртасида кучайиб бораётган кўп қиррали ҳамкорликнинг ёрқин ифодасидир. Аминманки, биз шу асосда туркий дунёни янада жипслаштириш, унинг мавқеини ошириш, ўзаро манфаатли ва дўстона алоқаларимизни чуқурлаштириш, ҳамкорлигимизни янги босқичга кўтаришга эришамиз”, деди Президентимиз.

Дарҳақиқат, глобал дунёда мамлакатлар ўртасида ўзаро боғлиқлик, интеграция тобора кучайиб бормоқда. Бугун шиддат билан ўзгараётган сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий, мафкуравий жараёнлар ҳеч бир давлат бошқаларидан ажралган ҳолда ривожлана олмаслигини яққол кўрсатиб турибди.

Шу нуқтаи назардан, тараққий этишни ўзига мақсад қилиб олган ҳар қандай давлат бошқа юртлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйишга интилади. Ўзбекистоннинг прагматик ташқи сиёсатида ҳам кўп томонлама ҳамкорлик устувор йўналишлардан бирига айланган. Буни Туркий давлатлар ташкилоти фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Туркий тилли давлатларнинг ихтиёрий бирлашуви асосида вужудга келган бу халқаро ташкилотнинг мақсади ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ҳар томонлама ривожлантиришдан иборат. Туркий тилли халқлар ўртасидаги тарихий ришталар, умумий тил, маданият ва анъаналар бундай ҳамкорликнинг тагзаминини ташкил этади.

1992 йил 30 октябрда Туркия, Ўзбекистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон иштирокида Туркий тилли давлатлар саммити сифатида вужудга келган ҳамкорлик 2009 йил 3 октябрга келиб, БМТда рўйхатдан ўтган халқаро ҳукуматлараро ташкилот — Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши сифатида, 2021 йилдан бошлаб эса Туркий давлатлар ташкилоти сифатида фаолият юритмоқда.

Бугунги кунда ТДТ фаолиятида Ўзбекистон, Туркия, Озарбайжон, Қозоғистон ва Қирғизистон аъзо, Венгрия ҳамда Туркманистон кузатувчи аъзо мақомида иштирок этиб келмоқда. Ташкилотга аъзо мамлакатларда 174 миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг 40 фоизини ёшлар ташкил этиши бу ҳудуд катта имкониятлар макони эканидан далолат беради.

Ўзбекистон ташкилотга аъзо бўлганидан буён ўтган қисқа давр мобайнида унинг фаол аъзоларидан бирига айланди. Мамлакатимиз ТДТнинг барча тадбирларида қатнашиб, кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантиришга доир муҳим таклиф ва ташаббусларни илгари суриб келмоқда. Бу ташаббусларнинг амалиётга татбиқ этилиши халқаро майдонда Ўзбекистоннинг нуфузи ва мақомини мустаҳкамлашга хизмат қиляпти.

2023 йил 3 ноябрда Ўзбекистон Президентига ташкилотнинг олий мукофоти — “Туркий дунёнинг олий ордени” топширилди. Зеро, мамлакатимизнинг бу ташкилотга аъзолиги қардош давлатлар билан кўп томонлама алоқаларни ривожлантиришда кенг имкониятлар очди. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда: “**Тили, дини ва юраклари бир-бирига чамбарчас боғланган қардош халқларимиз овози эндиликда дунё бўйлаб янада баланд, янада кучлироқ янграмоқда**”.

Туркий давлатлар ташкилотига аъзо давлат сифатида Ўзбекистон ўзаро манфаатли шерикчиликни кучайтиришдан манфаатдор экани изоҳ талаб этмайди. Зотан, ташкилот доирасидаги ҳамкорликни ривожлантиришнинг 20 га яқин устувор йўналиши белгилаб олинган. Улар доирасидаги саъй-ҳаракатлар учун барча имкониятлар сафарбар этилиши ҳамкорликни янги сифат босқичига олиб чиқиши шубҳасиз. Туркий давлатлар билан ҳамкорлик фаол тарзда кечаётган шундай йўналишлардан бири инсон ресурсларини ривожлантириш билан боғлиқ.

Бугунги кунда инсон салоҳияти — унинг билими ва кўникмалари давлат тараққиётига белгиловчи таъсир кўрсатади. Давлат хизматида ҳам инсон ресурслари ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Давлат фуқаролик хизматчисининг компетенцияси — билими, малакаси ва кўникмалари қанчалик юқори бўлса, тизим фаолияти ҳам шу қадар самарали бўлади. Демак, давлат хизмати ривожланиши учун, энг аввало, давлат хизматчилари ривожланиши керак. Бунинг учун эса уларнинг касб малакасини узлуксиз ошириб бориш талаб этилади. Шу маънода, Ўзбекистонда профессионал давлат хизматчиларининг янги корпусини шакллантириш, малакасини ошириш, таълим сифати ва самарадорлигини яхшилаш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан ҳисобланади.

“Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонунда давлат фуқаролик хизматчиларининг ўз касбий компетенциясини мунтазам равишда ошириб бориши мажбурият сифатида белгиланган. Бошқача айтганда, давлат фуқаролик хизматчиси ташкилот ваколатларини лозим даражада амалга ошириши керак. Бунинг учун у ўз хизмат вазифаларини бажариш учун зарур бўлган билим, малака ва кўникмаларга эга бўлмоғи даркор.

Шу кунгача Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатларнинг инсон ресурсларини ривожлантиришга масъул идоралари раҳбарларининг 3 та йиғилишида ҳам Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги туркий давлатларнинг кадрлар сиёсати борасидаги тажрибаси билан яқиндан танишишдан, ташкилот доирасида бу йўналишда ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдор эканига алоҳида эътибор қаратиб келди.

2022 йил 10-11 ноябрь кунлари Самарқанд саммити доирасида Туркий давлатлар ташкилотига аъзо давлатларнинг тегишли ташкилотлари ўртасида рақамли инсон ресурслари тизимлари тўғрисида англашув меморандуми имзоланди.

Мазкур меморандум давлат хизматида интеграциялашган тизимлар юзасидан билим ва тажриба алмашиш, улардан инсон ресурслари ва истеъдодларни бошқариш жараёнларини ривожлантириш мақсадида фойдаланиш, давлат хизматига илғор рақамли ечимларни жорий қилишда кўп томонлама ҳамкорликнинг асосларини белгилаб берди.

Бугунги кунда давлат хизматини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш, давлат хизматчиларининг салоҳиятини тизимли равишда ошириб бориш бўйича Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги олдига муҳим вазифалар қўйилган. Бу мақсад ва вазифаларни амалга оширишда халқаро ҳамкорликнинг аҳамияти муҳим. Қардош туркий давлатлар давлат хизматида инсон ресурсларини ривожлантириш ва иқтидорларни жалб қилиш бўйича бой тажрибага эга.

Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги туркий давлатларнинг кадрлар сиёсати борасидаги тажрибаси билан яқиндан танишишдан, ташкилот доирасида бу йўналишда ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдор.

Шу боис, агентлик Туркий давлатлар ташкилоти доирасида инсон ресурсларини ривожлантириш соҳасида ҳам кўп томонлама, ҳам икки томонлама ҳамкорликни кучайтириш йўлидан бормоқда. Ҳозирги кунга қадар кўп томонлама ҳамкорлик ҳужжатларидан ташқари Туркия Президенти ҳузуридаги Инсон ресурсларини ривожлантириш офиси, Қозоғистон Давлат хизмати ишлари бўйича агентлиги, Озарбайжон Давлат имтиҳон маркази ҳамда Қирғизистон Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат хизмати ишлари ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш агентлиги билан икки томонлама ўзаро англашув меморандумлари имзоланди.


Хусусан, Озарбайжон билан ҳамкорликда давлат хизматчиларининг компетенциялари моделини ишлаб чиқишга урғу берилмоқда. Айниқса, давлат хизматига иқтидорлиларни жалб қилишда компетенциялар модели асосида саралашнинг мослашувчан тизимини ишлаб чиқишга эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, Озарбайжон Давлат имтиҳон маркази билан имзоланган ўзаро англашув меморандуми давлат хизматига қабул қилиш, давлат хизматчилари фаолиятини баҳолаш ва реестрини юритиш, ёшлар орасидан энг яхши кадрларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш учун танловлар ташкил қилиш соҳаларида ўзаро тажриба алмашиш имконини беради.

Қозоғистон билан эса миллий, тармоқ ва ҳудудий ёш кадрлар резервини шакллантириш юзасидан тажриба алмашилмоқда. Ёш давлат хизматчиларини нафақат ўқитиш ва тайёрлаш, балки таълим давомида уларнинг дунёқараши ва фалсафасини ўзгартириш ҳамда карьераси давомида кўмак бериб бориш механизмлари юзасидан ҳамкорлик қилинмоқда.

Туркиянинг иқтидорларни кашф қилишга йўналтирилган TALENTforBIZ платформаси ҳамда ёшлар стажировкасини ташкил қилиш бўйича рақамли платформаси билан танишиш Туркий давлатлар ташкилотининг барча аъзолари учун манфаатли бўлди.

Ўз навбатида, Ўзбекистон давлат хизмати тизимидаги ўзгаришлар Туркий давлатлар ташкилоти аъзолари эътиборини тортмоқда.

Ўзбекистонда маҳалла институти муҳим роль ўйнайди ва аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида фаолият юритади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти кучайтирилаётгани ва уларга янги вазифалар юклатилаётгани “маҳалла еттилиги”ни ҳам ривожлантиришни, уларни зарурий билим ва кўникмалар билан қуроллантиришни шарт қилиб қўйди. Шу боис, 9500 та маҳаллада фаолият юритаётган жами 50 мингга яқин “маҳалла еттилиги” учун жойларда ташкил этилган ўқув семинарлари ҳақидаги маълумотлар Туркий давлатлар ташкилоти аъзолари вакилларида қизиқиш уйғотди. Янги тайинланган туман ҳокимлари ва уларнинг жамоалари учун агентлик томонидан ташкил этиладиган экспресс тренинглар ҳам ҳамкорлар томонидан юқори баҳоланмоқда.



Туркий давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларининг изчил ривожланиб боришида давлат хизматчилари салоҳиятини хорижда ошириш дастурлари муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, “Келажак лидерлари” дастури иштирокчиларининг Туркияда инсон ресурсларини ривожлантириш бўйича малака ошириши ижобий самара бермоқда.

Айни пайтда Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги инсон ресурсларини ривожлантиришга доир ҳамкорликни чуқурлаштириш бўйича Туркий давлатлар ташкилоти доирасида билдирилган ҳар қандай таклиф ва ташаббусни қўллаб-қувватлаган ҳолда давлат хизматига номзодларни баҳолаш ва иқтидорлиларни излаш мақсадида компетенциялар моделини ишлаб чиқишда ўзаро ҳамкорлик қилмоқда.

Мустаҳкам тарихий ришталар, ўхшаш тил, муштарак маданият ва маънавий қадриятлар асосида шаклланган Туркий давлатлар ташкилоти минтақавий ҳамкорликнинг самарали механизмига айланган. Чунки ташкилотга аъзо давлатларни дўстлик ва ишончли шериклик алоқаларидан ташқари ўзаро манфаатли ҳамкорликка асосланган муносабатлар ҳам боғлаб турибди. Ҳозирги вақтда дунёда юз бераётган шиддатли ўзгаришлар, рақамлаштириш жараёнлари, сунъий интеллектнинг жорий этилиши ташкилотга аъзо давлатлар олдига янги-янги долзарб вазифаларни қўймоқда. Бундай шароит давлатларимизнинг ҳамкорлик борасида ҳали ишга солинмаган улкан имкониятларидан тўлақонли фойдаланишни тақозо этмоқда.

Кадрлар сиёсати, инсон ресурсларини бошқариш ва уларни ривожлантириш борасидаги ҳамкорлик Туркий давлатлар ташкилотининг улкан салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш ва мустаҳкамлашга хизмат қиладиган муҳим йўналишлардан бири бўлиб қолади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

НИГОҲ | 3

2024 йил 8 ноябрь, 227-сон

Барча жабҳаларда бўлгани каби экология ва атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ тадбирларни маҳалла даражасига тушиб, аҳоли орасига чуқур кириб борган ҳолда ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Жумладан, маҳаллалар ўртасида “Энг тоза маҳалла” кўрик-танловини ўтказиш йўлга қўйилди.

Давлат дастури — амалда



Бошланиши 1-бетда

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Европа минтақавий бюроси маълумотида келтирилишича, Марказий Осиё мамлакатларида қайд этилаётган касалликларнинг қарийб 15 фоизи ана шундай омиллар оқибатида юзага келмоқда. Минтақада йилига 1,4 миллион киши шундай муаммолар туфайли ҳаётдан кўз юммоқда. Бундай глобал муаммоларнинг салбий таъсирини юмшатиш ва инсон саломатлиги ҳамда жамият ривожига зарар етказишининг олдини олиш учун ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни кучайтириш, барқарор ривожланишга йўналтирилган чора-тадбирларни кенгайтириш лозим.

Президентимиз халқаро минбарларда сўзлаган нутқларида бу масалаларга доимий эътибор қаратиб, минтақамизда ва дунёда экологик мувозанатни таъминлашда дунё аҳлини бирдамлик ва ҳамжиҳатликка чорлаб келади. Шу билан бирга, юртимизда экологик мувозанатни таъминлаш ва барқарор ривожланишга эришиш йўлида кейинги йилларда муҳим дастур ва лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Шу йил 21 октябрь куни давлатимиз раҳбарининг Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети — “Green University”га ташрифи, маиший чиқиндиларни қайта ишлаш, улардан электр энергияси ва маҳсулот ишлаб чиқариш лойиҳалари тақдимоти билан танишиш жараёнида экологик мувозанатни таъминлаш ва барқарор ривожланишга эришиш билан боғлиқ масалалар яна бир карра кун тартибига кўтарилди. Шу куни Президентимиз раислигида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасидаги ишлар натижадорлиги ва келгусидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам юртимизда яшил ҳудудларни кенгайтириш, халқимиз соғлом ва узоқ умр кечириши учун қулай экологик муҳит яратиш борасидаги устувор вазифалар белгилаб берилди.

Ҳар бир инсоннинг қулай атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқи янги таҳрирдаги Конституциямизда алоҳида бобда мустаҳкамланган. Давлатнинг атроф-муҳитни яхшилаш, тиклаш ва муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш бўйича вазифаларни амалга ошириш мажбуриятлари белгилаб қўйилган.

Шунингдек, Оролбўйи минтақасининг экологик тизимини муҳофаза қилиш ва тиклаш, минтақани ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, “яшил” иқтисодиётга ва углерод нейтраллигига ўтиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2030 йилга бориб, мамлакатимиз энергетика балансида қайта тикланувчи энергия қувватини 40 фоизга етказиш режалаштирилган. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида 1 миллиард туп кўчат экилмоқда. Орол денгизининг қуриган тубида 2 миллион гектар майдонда ўрмон барпо этилди.

Ўзбекистоннинг бу борадаги саъй-ҳаракатлари ва хайрли ташаббусларини жаҳон ҳамжамияти ҳам қўллаб-қувватламоқда. Хусусан, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан “Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудудига айлантириш”, “Марказий Осиё экологик муаммолар қаршисида: барқарор ривожланиш ва фаровонлик йўлида минтақавий бирдамликни мустаҳкамлаш” каби муҳим резолюциялар бир овоздан қабул қилинди.

Юртимизда барқарор ривожланиш принципига мувофиқ, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш, ер, сув, ҳаво мусаффо бўлишини таъминлаш, чиқиндиларни йиғиш, саралаш, қайта ишлаш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар кўрилмоқда. “Ўзбекистон — 2030” стратегияси ва уни “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури доирасида бу йўналишдаги ишлар изчиллик билан давом эттириляпти.

ЯШИЛЛИК ЯРАШГАН МАНЗИЛЛАР

Тадқиқотларга кўра, бир кунда бир кишининг кислородга эҳтиёжини қондириш учун 22 та дарахт керак. “Ернинг ўпкаси” бўлган бу яшил бойлик фақат инсоннинг нафас олишига хизмат қилиш билан чекланмайди, дарахтларнинг ҳаёт мувозанатини таъминлашда ҳам ҳиссаси кўп. Масалан, дарахт тупроқ намлигини сақлаб, емирилишининг олдини олади. Гавжум шаҳарларда шовқинни камайтириб, табиатга, инсонга ва бутун тирик мавжудотга сокинлик бахш этади. Ҳаво ифлосланишини камайтириш, тирик мавжудотларни қуёшнинг зарарли нуридан асрашда ҳам унинг ўрни муҳим.

Қолаверса, атрофимизни ўраб турган яшил олам кўплаб жонзотлар, ҳашаротлар учун уя ва озуқа манбаидир, дарахтлар бўлмаса, уларнинг яшаши қийин. Шундай экан, дарахтларни асраш, ўрмонларни кўпайтириш, мавжудларини асл ҳолича сақлаш инсониятнинг асосий вазифаси бўлиб қолаверади.

Кейинги йилларда юртимизда кенг қулоч ёйган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси нафақат бугунги ҳаётимиз, балки келажак тараққиётимизнинг ҳам асоси бўлиб қоладиган эзгу ташаббусдир. Ҳудудларни кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштиришда барчани ҳамжиҳатликка ундаётган ушбу лойиҳа йилдан йилга оммалашиб бораётгани қувонарли.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг маълум қилишича, ушбу лойиҳа доирасида 2024 йил баҳорда юртимиз бўйича 138 миллион туп кўчат экилди. Ҳудудларда вазирлик, идора ва маҳаллий ҳокимликлар томонидан 257 та яшил боғ барпо этилиб, уларнинг умумий сони 517 тага етказилди.

“Очиқ бюджет” тизими орқали “Менинг боғим” лойиҳаси ишга туширилди. Фуқаролар томонидан ташаббус билдирилган 738 та лойиҳадан 215 таси ғолиб деб топилиб, 48,7 миллиард сўм молиялаштириш учун йўналтирилди.

Жорий йил якунига қадар “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида кузги кўчат экиш мавсумида 75 миллион туп дарахт ва бута экилади, 134 та яшил боғ барпо этилади. “Менинг боғим” лойиҳаси доирасида ғолиб деб топилган 215 та ташаббуснинг лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилади ва кузги кўчат экиш мавсумида яшил боғлар, яшил жамоат паркларини барпо этиш ишлари бошланади.

Йил якунига қадар Оролбўйи минтақасида 300 минг гектар, шундан Қорақалпоғистон Республикасида 200 минг, Навоий вилоятида 50 минг, Бухоро вилоятида 40 минг ва Хоразм вилоятида 10 минг гектар майдонда яшил қопламалар барпо этилади. Жорий йил якунига қадар атроф-муҳитга таъсир кўрсатишнинг I ва II тоифасига мансуб саноат ҳамда йирик қурилиш материаллари, энергетика ва металлургия корхоналари томонидан ўз ва туташ ҳудудларда 10 миллион туп дарахт кўчати экилади ва яшил белбоғлар яратилади.

Кейинги йилларда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тизимига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, изчил чора-тадбирлар кўрилмоқда. Ҳозир юртимизда 7 та давлат қўриқхонаси, 1 та мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхонаси, 12 та табиат боғи, 1 та миллий боғ, 11 та табиат ёдгорлиги, 2 та биосфера резервати, 12 та буюртма қўриқхонаси, 1 та Бухоро ихтисослаштирилган жайрон питомниги мавжуд.

Жорий йил якунига қадар муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар майдони янада кенгайтирилади. Зомин тоғлари экотизимини ЮНЕСКО Жаҳон табиий мерос объектлари рўйхатига киритиш учун номзоднома тақдим этилади. Жайрон питомнигидан 30 бош туркман қулони Қорақалпоғистонга, қуйи Амударё давлат биосфера резерватидан 20 бош бухоро буғуси тўқайзорларга кўчирилади.

Ўрмонлар майдони ҳам кенгайиб боряпти. Жумладан, жорий йилнинг олти ойида фойдаланилмаётган 3500 гектар ер ўзлаштирилиб, ўрмон фондидаги 220 минг гектар майдонда ўрмонзор барпо этилди. Хусусан, Орол денгизининг қуриган туби ва минтақасида 215 минг гектар, тоғ ва тоғолди ҳудудларда 2 минг гектар, бошқа ҳудудларда 3 минг гектар майдонда ўрмон барпо этиш ва қайта тиклаш тадбирлари бажарилди.

Ўрмон тадбирлари учун чўл ва бошқа турдаги ўсимликларнинг 771 тонна уруғи тайёрланди. 5 миллион туп тут ниҳоли ва кўчати етиштирилди. Хўжаликларда 318 гектар ниҳолхона ва 350 гектар майдонда тупроқ-иқлим шароитига мос дарахт-буталар кўчатхоналари ташкил этилди. Чўл, тоғ ва тоғолди ҳудудларда чўлланиш ва қум кўчиши, сув ва тупроқ эрозиясининг олдини олиш мақсадида 140 гектар майдонда ҳимоя ўрмонзорлари (иҳота) барпо этилди. 2820 гектарда доривор ва озуқабоп ўсимликлар экилиб, 663 тонна доривор ва озуқабоп ўсимликлар хомашёси тайёрланди.

Жорий йил якунига қадар ўрмон фондининг суғориш имконияти мавжуд ерларида минг гектар тез ўсувчи дарахтлар плантациялари, тоғ ва тоғолди ҳудудларида 500 гектар майдонда ҳимоя дарахтзорлари барпо қилинади. Ўрмон хўжаликлари томонидан фойдаланилмаётган 3,5 минг гектар ер ўзлаштирилади ҳамда республиканинг ўрмон билан қопланганлик даражаси 8,1 фоиз (3 миллион 650 минг гектар)га етказилади. Чўл, тоғ ва тоғолди ҳудудларда чўлланиш ва қум кўчиши, сув ва тупроқ эрозиясининг олдини олиш ҳамда экологик муҳитни яхшилаш мақсадида 2400 гектар ерда ҳимоя ўрмонзорлари (иҳота) барпо этилади. Туман ва шаҳарларда 134 та яшил боғ барпо этилади. Соҳада 3500 та доимий ва мавсумий иш ўрни яратилади.

33 МИНГДАН ЗИЁД ШАХС ЭКОЛОГИК ҚОНУНЧИЛИК ТАЛАБИНИ БУЗГАН

Бугун экология мавзусига оид тарғиботларда табиатнинг ҳар бир неъмати, жумладан, сувни тежаш ҳақида кўп гапирилади. Сувни ифлослантириш гуноҳ экани болалигимиздан уқтирилади. Бироқ бу ўгитларга ҳамма ҳам тўла амал қилади деб бўлмайди. Нафақат шаҳарларда, ҳатто чекка қишлоқларда ҳам минг машаққатлар эвазига хонадонларга етказиб берилган ичимлик сув ҳуда-беҳуда исроф қилиниши учраб тургани бунинг исботи. Қолаверса, қонунга зид равишда дарахт кесиш, сув манбаларини ифлослантириш, чиқиндини белгиланмаган жойга ташлаш каби экологик қонунбузарликлар учраб туради.

— Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ўтказилган экологик назорат тадбирларида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасига оид қонунчилик ҳужжатлари талабларини бузган 33 минг 378 шахс аниқланди, — дейди экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири ўринбосари Юсуфбек Казбеков. — Қонунбузарларга 35,5 миллиард сўм маъмурий жарима ва етказилган зарар ҳисобланиб, 28,5 миллиард сўм ундирилди. Мингдан ортиқ корхона ва 80 мингдан ортиқ фуқаро ўртасида соҳага оид профилактика тадбирлари ўтказилди. 75 ҳолат бўйича 160,6 миллиард сўмлик даъволар юзасидан қонунбузарлик содир этган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш бўйича материаллар прокуратура органларига тақдим этилди, шундан 38 ҳолатда жиноят иши қўзғатилди.

Албатта, бундай ишлардан мақсад кимнидир жазолаш эмас, аввало, жамиятимизда қонун устуворлигини таъминлаш, табиатни муҳофазалашни ҳар бир инсоннинг



кундалик юмушига айлантиришдир. Бу борада экологик тарғибот ишлари билан бирга ҳаво, сув ва тупроқни муҳофаза қилиш борасида амалий ишлар ҳам кенгайиб бораётир. Мисол учун, ҳавони муҳофаза қилиш ва мониторинг йўналишида атроф-муҳитга таъсир кўрсатувчи 11 минг 296 та иншоот давлат экологик экспертизасидан, “Тоза ҳаво” ойлиги давомида 205 мингта автотранспорт воситаси экологик назоратдан ўтказилди. 52 та йирик саноат корхонасида чанг-газ тутиб қолиш ускуналари ўрнатилди ва мавжудлари модернизация қилинди. Тошкент шаҳрида “Автомобилсиз кун” жамоатчилик лойиҳаси ўтказилмоқда.

Сув, ер ресурслари ва ер ости бойликларини муҳофаза қилиш йўналишида 37 та корхонада локал оқова сув тозалаш иншоотлари қурилди ҳамда реконструкция қилинди. Бош прокуратура билан ҳамкорликда Тошкент шаҳридаги Салар, Бектемир ва Бўзсув иншоотларига меъёридан ортиқча ифлослантирилган моддалар чиқарувчи 44 та корхонага нисбатан чора кўрилди ва 12 та корхона оқова сув тармоғидан узилди.

Фойдали қазилмаларни қазиб олиш натижасида бузилган 680 гектар ер рекультивация қилинди. 797 та автомобиль ювиш шохобчаси ўз-ўзига хизмат кўрсатишга ўтказилиб, 1150 та шохобча оқова сув тиндиргичлар билан жиҳозланди. Натижада ҳосил бўлаётган оқова сувларнинг 60 фоизи тозаланди ва сув ресурслари тежалди. Жорий йил якунига қадар 56 та корхонада локал оқова тозалаш иншоотлари қурилади ва мавжудлари реконструкция қилинади.

ЧИҚИНДИНИ НОҚОНУНИЙ ЖОЙГА ТАШЛАЁТГАНЛАР КИМЛАР?

Экологик мувозанатни сақлаш ва барқарор ривожланишга эришишга тўсиқ бўлаётган яна бир муаммо чиқинди билан боғлиқ. Инсоннинг ҳаёт фаолияти ва саноат ривожи натижасида пайдо бўлаётган чиқитлар бугун катта ҳудудларни эгаллаб, табиат софлигига таъсир ўтказмоқда. Қолаверса, тупроққа ташланаётган баъзи зарарли чиқиндилар ерда узоқ вақт сақланиб, экологик мувозанат ва инсон соғлиғига зарар етказяпти. Бундай муаммоларнинг олдини олиш учун чиқиндини йиғиш, саралаш, қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш зарур.

Президентимизнинг 2024 йил 4 январдаги “Чиқиндиларни бошқариш тизимини такомиллаштириш ва уларнинг экологик вазиятга салбий таъсирини камайтириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони бу борадаги ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга замин яратди. Ҳужжатда йиллар давомида соҳани бошқариш борасида тўпланиб қолган долзарб муаммолар ечимлари юзасидан аниқ вазифалар белгилаб берилди. Фармонга кўра, тўлов интизомини мустаҳкамлаш мақсадида чиқинди бўйича тўловлар электр энергияси тўловлари тизими билан боғлаб қўйилди. Мазкур тизим йўлга қўйилиши билан аҳоли томонидан тўловлар миқдори бир ой ичида 20 фоиз ошиб, дебитор қарздорликни кескин камайтиришга эришилди.

Мамлакатимизда хусусий секторнинг иқтисодиётдаги ўрнини ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада бугунги кунга келиб, санитар тозалаш хизматларини кўрсатиш 70 фоиз хусусий сектор томонидан амалга оширилмоқда.

Санитар тозалаш хизматлари учун аҳоли тўловларида қулайлик яратиш ва дебитор қарздорликни қисқартириш, электрон тўлов тизимида истеъмолчилар тўғрисида тўлиқ ва аниқ маълумотларга эга бўлиш учун “Тоза макон” биллинг электрон давлат ахборот тизимининг дастурий таъминоти ишлаб чиқилди. Мазкур тизим Ички ишлар ва Адлия вазирликлари, божхона ва чегара органлари, Кадастр агентлиги, “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ маълумотлар базаси ҳамда “Электрон ҳукумат” дастури билан интеграция қилинди. Шунингдек, 2024 йил 1 апрелдан қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун мавжуд қарздорлик бартараф этилганидан кейин нотариал ҳаракатни амалга ошириш ва қарздорлик тўғрисида СМС хабарнома юбориш тизими йўлга қўйилди. Янги тизим бир қатор электрон тўлов тизимлари билан интеграция қилинди.

Аҳолига сифатли хизмат кўрсатилиши, чиқиндилар ўз вақтида олиб чиқиб кетилишини таъминлаш мақсадида санитар тозалаш корхоналари тасарруфида мавжуд 4194 та автотранспорт воситасидан 82,5 фоизига GPS қурилмалари ўрнатилди. Энди мазкур қурилмалар Санитар тозалаш ишларини ташкил этиш республика маркази биллинг тизимига боғланиши натижасида кўрсатилмаган хизматлар учун асоссиз тўловлар ҳисобланишининг олдини олиб, хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг масъулиятини янада оширади.

Аҳолининг санитар тозалаш хизматлари билан қамраб олиниши ҳажмини ошириш мақсадида жорий йилда Осиё тараққиёт банки маблағлари ҳисобидан умумий қиймати 6,4 миллион долларга тенг 67 та ҳамда марказ томонидан умумий қиймати 20,4 миллиард сўм бўлган 30 та техника санитар корхоналарга лизинг шартлари асосида фойдаланишга берилди.

— Тиббиёт чиқиндилари маиший чиқиндиларга қўшиб полигонга ташланиши яна бир оғриқли нуқталардан эди. Бу ҳаво ва тупроқ ифлосланиши, аҳоли ўртасида турли касалликлар келиб чиқишига сабаб бўларди, — дейди Санитар тозалаш ишларини ташкил этиш республика маркази директори Шариф Ҳасанов. — Бу муаммони бартараф этиш мақсадида АҚШнинг “Sayar” компанияси билан 115 миллион долларлик тўғридан тўғри инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. Тиббиёт чиқиндиларини ёқиш орқали муқобил иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш борасидаги ушбу лойиҳа самарасида 1,5 миллиард сўмга яқин бюджет маблағи тежалиб, табиатга зарарли газлар чиқарилиши кескин қисқаради.

БААнинг “Tadweer”, Хитойнинг “China CAMC Engineering” ва “Shanghai SUS Environment” ҳамда Россиянинг “ЭкоВектор” компаниялари билан аниқ келишувларга эришилиб, умумий қиймати 320 миллион доллар миқдорида инвестиция олиб кирилиши кутилмоқда.

2024-2026 йилларда қаттиқ маиший чиқиндиларни саралаш тизимини босқичма-босқич ташкил этиш мақсадида ҳудудларда экологик тоза материаллардан тайёрланган, қуёш панеллари ўрнатилган ва барча шароитга эга 2 тадан, жами 28 та чиқинди тўплаш шохобчаси ташкил этиляпти. Уларда чиқиндиларни қайта ишланадиган, қайта ишланмайдиган ва озиқ-овқат тоифаларига ажратган ҳолда саралаб йиғиш ҳамда санитар тозалаш корхоналари томонидан сотиб олиш тажрибаси йўлга қўйилади.

Аҳоли томонидан белгиланмаган жойларга чиқинди ташланишининг олдини олиш ҳам экологик мувозанатни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда йил бошидан буён турли ҳудудларга 230 та кузатув камераси ўрнатилди. Бу борада аҳоли орасида тушунтириш ва тарғибот ишлари ҳам олиб борилди. Қоидабузарликлар аниқланиб, ҳозиргача 11 мингта шундай ҳуқуқбузарлик қайд этилган.

Бундай ноқонуний ва номақбул ишга қўл урaётганлар кимлар деган савол пайдо бўлиши табиий. Уларнинг барчаси бир билан бир ҳаводан нафас олиб, ёнма-ён яшаётган кишилардир. Қўлидаги чиқинди тўла қопни белгиланмаган жойга ирғитиб кетаётган бундай одамлар табиатни ифлослантириш орқали, аввало, ўзи, яқинлари, қолаверса, ўзгалар ҳаёти ва саломатлигига зиён етказишини англаб етмаслиги мумкинми?

Албатта, бундай ҳолатларда қонуний чора кўрилади. Аммо табиатни асрашда жазо ва жарима солишдан кўра, инсон қалбида табиатга меҳр уйғотиш самарали воситадир.

Барча жабҳаларда бўлгани каби экология ва атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ тадбирларни маҳалла даражасига тушиб, аҳоли орасига чуқур кириб борган ҳолда ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Жумладан, маҳаллалар ўртасида “Энг тоза маҳалла” кўрик-танловини ўтказиш йўлга қўйилди.

Бу тадбирларнинг барчаси халқимизни табиат мусаффолигини асраш, барқарор ривожланишга эришиш билан боғлиқ эзгу мақсадлар йўлида бирдамлик ва ҳамжиҳатликка ундайди. Зеро, инсониятнинг келажак тараққиёти, аввало, экология ва атроф-муҳит муҳофазасига доир муаммоларнинг оқилона ечимига боғлиқ.

Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари иштирокида рақобатга салбий таъсир кўрсатадиган муаммо ва таклифларни эшитиш бўйича “Биз сизни эшитамиз” мулоқот тизими давом эттирилади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

Ислоҳот одимлари

ИҚТИСОДИЙ ЎСИШДА РАҚОБАТ

УНГА НИМАЛАР САЛБИЙ ТАЪСИР КЎРСАТМОҚДА?







“Сўнгги йилларда рақобатни таъминлашга қаратилган назорат билан қамраб олинган 114 мингта танлов ва тендер савдоларининг қарийб 40 фоизида рақобатни чеклаш бўйича ҳаракатлар аниқланган.

Отабек УСМОНОВ,
Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси раиси маслаҳатчиси




Соғлом рақобат ривожланиш кафолати эканини ҳамма билади. Шу боис, мамлакатлар иқтисодиётда имкон қадар бунга шароит яратишга ҳаракат қилади. Шу жиҳатдан юртимизда соғлом рақобат муҳитини таъминлашга қаратилган бир қанча институционал ислоҳотлар амалга оширилаётир. Айниқса, сўнгги пайтлардаги ишлар Ўзбекистонда рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида янги давр бошланди, дейишимизга асос бўлади. Ҳарқалай кунда-кунора рақобатни таъминлаш бўйича белгиланган тартиб-қоидаларга амал қилинмагани боис, чоралар кўрилаётгани хусусида хабарларга кўзимиз тушяпти. Амалий саъй-ҳаракатлар анча жадаллашган.

Монополияга қарши курашиш органининг мавқеи Конституция даражасида ҳалол рақобат учун шарт-шароитлар яратиб, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари устуворлигини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини кафолатлайди. Монопол фаолият қонун билан тартибга солинади ва чекланади, дея белгилаб қўйилгани катта қадамлардан бири бўлган бўлса, янги таҳрирдаги “Рақобат тўғрисида”ги қонунда Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ваколатли давлат органи сифатида бевосита Президент ва Олий Мажлис Сенатига ҳисобдорлиги, фаолиятини давлат органлари, бошқа ташкилотлар ва мансабдор шахслардан мустақил равишда амалга ошириши мустаҳкамлаб қўйилган.

Буларни мамлакатимизда монополияга қарши курашиш, рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасига берилаётган эътиборнинг амалий ифодаси сифатида қабул қиламиз.

Шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг рақобатга таъсирини баҳолашнинг мажбурий тизими жорий этилиб, 116 турдаги лицензия ва рухсатномалар бекор қилинди ёки хабардор этиш тартиботига ўтказилди.

Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва рақобат муҳитини ривожлантириш мақсадида товар бозорида 5 ва ундан ортиқ хусусий сектор субъектлари фаолият юритиб келаётган соҳаларда давлат иштирокидаги корхоналарнинг таъсис этилишига чеклов киритилди. Рақобатга таъсирини баҳолашдан ўтказгандан сўнг корхоналарда давлат иштирок этиши бўйича қарор қабул қилиш механизми жорий этилди.



Товар ва молия бозорларида тенг рақобат шароитини яратиш мақсадида 30 га яқин соҳада солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда 13 та тармоқ бўйича эксклюзив ҳуқуқлар бекор қилинди.

30 дан ортиқ товарлар бозорига тадбиркорларнинг кириши эркинлаштирилиб, монополия ҳолатидан чиқарилди. Устун мавқега эга корхоналар сони 20 фоиз ҳамда давлат иштирокидаги корхоналар сони 30 фоиз камайди.

Монопол ва юқори ликвидли маҳсулотларни харид қилишда тадбиркорлар учун тенг шароит яратиш мақсадида товар-хомашё биржаларида мажбурий тартибда реализация қилинадиган товарлар сони 46 тага етказилди. Бугун 200 дан ортиқ йирик монополия ва давлат органларида фаолиятнинг рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида монополияга қарши комплаенс тизими жорий этилган.

Шу билан бирга, мамлакат иқтисодиётидаги рақобат муҳитига салбий таъсир кўрсатаётган бир қанча тизимли муаммолар ҳам сақланиб қолмоқда. Жумладан, вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан рақобатга зид ҳужжатлар қабул қилиш амалиёти ҳозир ҳам мавжуд. Уларда тайёрланадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларига рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига зид 47 фоиз нормалар киритилгани қайд этилган.

Иқтисодиётда давлатнинг иштироки ҳануз юқорилигича қолмоқда. Бу, айниқса, табиий монополия субъектларида яққол сезилади. Табиий монополия субъектлари фаолиятига боғлиқ камида 15 та товар бозорида рақобатни ривожлантириш имкони мавжуд бўлса-да, ушбу бозорлар ҳанузгача монополлаштирилган ҳолатда сақланмоқда.

Шунингдек, давлат харидлари соҳасида шаффофлик ва самарадорлик етарли даражада таъминланмаган. Давлат харидлари етарли даражада рақобатли тартиботлар орқали бажарилмаяпти. Яъни уларнинг 55 фоизидан ортиқроғи тўғридан тўғри шартномалар асосида амалга оширилмоқда.

Сўнгги йилларда рақобатни таъминлашга қаратилган назорат билан қамраб олинган 114 мингта танлов ва тендер савдоларининг қарийб 40 фоизида рақобатни чеклаш бўйича ҳаракатлар аниқланган.

Солиқ ва божхона имтиёзлари, преференция ва эксклюзив ҳуқуқлар кўринишидаги давлат ёрдамини тақдим этиш мақсадга мувофиқлигини аниқлаш, уни бериш тартиби ҳамда берилган давлат ёрдамининг самарадорлигини баҳолаш йўлга қўйилмаган.

Рақобатга қарши келишувлар ва мувофиқлаштирилган ҳаракатлар ҳамда устун мавқени суиистеъмол қилиш юзасидан ўтказиладиган таҳлилларнинг ваколатли органлар томонидан тадбиркорлик субъектларини текшириш сифатида баҳоланиши ушбу таҳлилларни тезкор ўтказиш ва рақобат муҳитини тўлақонли баҳолаш имкониятини чеклаяпти.

Рақамли платформалар фаолиятига нисбатан монополияга қарши тартибга солиш воситалари таъсирчанлиги етарли эмас. Бу эса истеъмолчилар манфаатлари камситилиши хавфини оширмоқда. Асосий турдаги истеъмол товарлар импортини назорат қилиш механизми жорий этилмаган.

Бу каби тизимли муаммолар ечими ҳамда мамлакатимизда соғлом рақобат муҳитини таъминлаш мақсадида қатор стратегик ишларни бажариш режалаштирилган. Жумладан, ҳар йили 20 дан ортиқ товар, молия ва рақамли бозорларда рақобат ҳолатини чуқур таҳлил қилиш ҳамда иқтисодиёт тармоқларида рақобат ривожланганлик даражасидан келиб чиқиб “қизил”, “сариқ” ва “яшил” гуруҳларга ажратилади. Рақобат ривожланмаган тармоқлар бўйича тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда манзилли ишлар қилинади.

Тадбиркорлик субъектларига тартибга солиш юкини қисқартириш ҳамда уларнинг товар ва молия бозорларига эркин киришидаги тўсиқларни бартараф этиш бўйича чоралар кўрилади. Рақобатга қарши келишувлар ва мувофиқлаштирилган ҳаракатларни тезкор аниқлаш усулларига ўтилиб, таъсирчанлиги оширилади.

Аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари иштирокида рақобатга салбий таъсир кўрсатадиган муаммо ва таклифларни эшитиш бўйича “Биз сизни эшитамиз” мулоқот тизими давом эттирилади.

Шу билан бирга, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясига биноан, республикамизда давлатга тегишли 17 турдаги монополияни бекор қилиш, ушбу соҳаларга хусусий секторни кенг жалб этиш, давлат тасарруфида фақат магистрал энергия ва транспорт тармоқлари, давлат бошқаруви ва хавфсизлиги билан боғлиқ соҳаларни сақлаб қолиш режалаштирилмоқда.

Темир йўлда ташиш, автомобиль йўллари қуриш ва бошқариш, газ ва электр етказиб бериш хизматлари хусусий секторга ўтказилади. Ирригация, чиқиндиларни қайта ишлаш, ижтимоий объектларда энергетика ва иссиқлик таъминоти тизимини бошқариш каби монопол соҳаларда хусусий шериклик механизми кенг жорий қилинади. Натижада иқтисодиётда нодавлат сектор улуши 85 фоизга етказилиб, давлат улуши мавжуд 2,3 мингта корхона сони 6 баробар камайтирилади.

Президентимизнинг 2024 йил 3 июндаги “Бозор ислоҳотларини янада жадаллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигини Жаҳон савдо ташкилоти битимларига мувофиқлаштириш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида бир нечта йирик монопол корхоналарга берилган махсус (эксклюзив) ҳуқуқлар босқичма-босқич бекор қилиниши белгиланди.

Қонунчиликдаги янгиликлар ҳамда мавжуд муаммоларни ҳал қилиш ва соғлом рақобат муҳитини таъминлаш борасидаги ишлар келгусида иқтисодиётимизнинг турли тармоқларида янги иш ўринлари яратилиши, маҳсулот ва хизматлар сифати ошишига туртки беради.

Янгича ёндашувлар

ТОШЛОҚ ЭНДИ ТОШЛОҚ ЭМАС...

Тошлоқ туманидаги Бешолиш даҳаси асрлар давомида қуриб-қақшаб ётган, тош-шағалдан иборат майдонлар эди. Йўл, сув, электр, табиий газ таъминоти оғир муаммолардан бўлиб келган. Бугун ушбу маскан манзараси шиддат билан ўзгариб бормоқда. Бетон қориётган, ғишт тераётган қурувчилар, йўлсозлар, қудратли техника ҳаракати бир зум бўлса-да, тўхтагани йўқ. Бу бежиз эмас, албатта.



Кейинги йилларда ҳудудга саноат тармоқлари кириб келиши, бу йўналишдаги лойиҳа ва ташаббусларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ҳаётбахш ислоҳотлар янгидан янги ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш тармоқларини кўпайтириш имкониятини бермоқда.

— Шу кунга қадар эътибордан четда бўлган, тош-шағалдан иборат, унумдорлиги паст 119 гектар экин майдонида 7 та кичик саноат зонаси ташкил этилди, — дейди туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Камолиддин Умаров. — Бу ерларга ишлаб чиқариш тармоқлари учун муҳим бўлган электр энергияси, табиий газ, ичимлик ва оқова сув тармоқлари, йўл ва йўлаклар қуриш кўлами кенгайиб бормоқда. Натижада туманнинг саноат салоҳияти юксалиб, 140 дан ортиқ истиқболли лойиҳа рўёбга чиқариляпти. Жорий йил январь-сентябрь ойларида барча саноат корхоналари томонидан 1367,1 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланди. Натижада саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 8,4 фоиз ошди, экспорт миқдори, географияси кенгайди. Истиқболли инвестиция лойиҳаларини ишга тушириш, хизмат кўрсатиш, қурилиш ва қишлоқ хўжалиги тармоқлари ривожланиши ҳисобига жорий йилнинг шу кунига қадар 20 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида 709 фуқарога 16 миллиард 465 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилди. Кам таъминланган, ижтимоий дафтарларга киритилган, ишсиз фуқаролар бандлигини таъминлаш мақсадида 315,8 миллион сўмлик асбоб-ускуналар субсидия асосида етказиб берилди.

Тошлоқ тумани “Қанжирға” маҳалла фуқаролар йиғинидаги “Ёшлар” кичик саноат зонаси Қиргули қир-адирларига туташиб кетади. Тош-шағалдан иборат кенг далаларда ҳаёт қайнайди. Бу ерда қиймати 45 миллиард сўмдан ортиқ 29 та саноат лойиҳаси амалга ошириляпти. Натижада ички ва ташқи бозорда харидоргир қурилиш, мебель, калава ип, пластмасса маҳсулотлари, озиқ-овқат, мевани қайта ишлаш йўналишидаги янги тармоқлар ишга тушади.

“Axshak acro universavdo” хусусий корхонасининг автомобиллар учун мой ва антифриз ишлаб чиқариш лойиҳаси шулар жумласидан. Ёш тадбиркор Раҳматилло Абдураҳмонов раҳбарлигида йиллик қуввати 9,5 минг тонна мой ва антифриз ишлаб чиқаришга мўлжалланган умумий қиймати 3,5 миллиард сўмлик лойиҳа бажарилиб, 20 та иш ўрни яратилди. Истиқболли лойиҳалар ривожига кўра, яна 4 гектар ерда аҳоли ва ёшлар дам олиш масканлари қуриш, яшил маконлар яратиш билан боғлиқ ишлар қилинади.



— Болаликда ташландиқ, овлоқ бу ерларга якка-ёлғиз келгани қўрқардик, — дейди корхона ишчиси Ғайратжон Абдуллаев. — Бундан беш-олти йил илгари бу жойлар шу қадар обод бўлиб кетади деб сира ўйламаганмиз. Бир неча йил хорижда ишладим. Маҳалламизга яқин ҳудудда янги корхона очилганидан кейин ўзга юртларда ишга боришга ҳожат қолмади. Ойликларимизни ўз вақтида оляпмиз, иссиқ овқат, ишга келиб-кетиш учун транспорт хизматлари йўлга қўйилган.

“Izmir textile” МЧЖ томонидан лойиҳа қиймати 8 миллион доллар бўлган сунъий ипдан мато ишлаб чиқариш лойиҳаси доирасида қурилиш ишлари якунига етказилмоқда. Унинг ишга тушиши ҳисобига 100 та янги иш ўрни очилади.

Кичик саноат зоналарида иш бошлаган, инвестиция жалб қилган тадбиркорлик субъектларига ер ва мулк солиғидан имтиёзлар берилган. Бундан ташқари, йўл, табиий газ, сув, электр энергияси билан таъминлаш борасидаги ишлар маҳсулот ҳажми ва сифатини ошириш, таннархини арзонлатишга хизмат қилмоқда.

“Келажак” кичик саноат зонасида “Agro impex valley marketing” МЧЖнинг трикотаж маҳсулотлари тўқиш ва тикиш йўналишидаги лойиҳаси бир вақтнинг ўзида 200 дан ортиқ иш ўрни яратиш имконини берди.



— Бу ерда иш бошлаганимизда қуруқ ердан бошқа ҳеч нарса бўлмаган, — дейди корхона иш юритувчиси Аҳмаджон Иброҳимов. — Энди ҳамма нарса ўзгарди, янги инфратузилма тармоқлари қурилди. Ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини ошириш мақсадида сўнгги русумдаги тўқиш ва тикиш ускуналарини олиб келиб ишга туширдик. Айни кунда яна 500 та иш ўринли янги тикувчилик тармоғини очиш бўйича ишлаяпмиз.

Уч фарзанднинг онаси Гулноза Тожибоева Бешолиш маҳалласида яшайди. Қишлоққа яқин жойда очилган янги корхонага ишга келиб кам бўлмаётгани, оиласи, рўзғорига барака кирганини бот-бот такрорлайди.

— Беш миллион сўмдан зиёд маош оламан, — дейди замонавий дастгоҳларни маҳорат билан бошқараётган тўқувчи.

“Қўрғонча” маҳалла фуқаролар йиғинидаги “Қобил ота файзи” оилавий корхонаси бу ерга кўчиб келганига кўп бўлгани йўқ. Сантехника қувурлари ишлаб чиқаришга йўналтирилган сармоя доирасида 15 та янги иш ўрни яратилди.

— Маҳалламиздаги аҳоли хонадонларига яқин ерда ишлаш кўплаб қийинчиликларга сабаб бўлаётганди, — дейди иш юритувчи Иқболжон Махсудов. — Янги жойга кўчиб ўтишимиз ҳисобига ишчи ва ишлаб чиқариш ҳажми уч ҳисса ошди. Айни кунда умумий қиймати 2 миллиард сўм бўлган янги лойиҳа устида ишлаяпмиз. Бу маҳаллий хомашёдан халқ хўжалиги тармоқлари учун керакли сантехника ва уй жиҳозлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, экспортга йўналтириш имкониятини беради. Шу мақсадда саноат ҳудудидан қўшимча ер олдик.

Истиқболли лойиҳалардан яна бири хитойлик сармоядорлар билан амалга оширилмоқда. Бу ерда янги металлургия заводи қурилишига тамал тоши қўйилди.

Хитойнинг “Shandong Aipurui Steel Plate Co. Ltd” компанияси ҳамкорлигидаги лойиҳа уч босқичдан иборат бўлиб, умумий қиймати 120 миллион доллардан ортиқ, 500 та янги иш ўрни яратилади. Заводнинг илк босқичи 2025 йилнинг дастлабки чорагида ишга туширилиши кўзда тутилган.

Тадбиркор Нодиржон Рўзибоевнинг айтишича, сифатли ва рақобатбардош қайта ишланган темир маҳсулотлари ички эҳтиёжларни қоплаш билан бирга, ташқи бозорга ҳам экспорт қилинади. Айни кунда “Fargona metallurgiya zavodi” Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси рўйхатдан ўтказилиб, фаолиятини бошлади.

Бугун Исфайрамсой қирғоқлари бўйлаб ястаниб кетган дала-даштда янги ҳаёт нафаси уфуриб турибди. Бу халқимизга хос яратувчилик, бунёдкорлик кўламлари кенгайиб, турмуш тарзи ва фаровонлиги ортиб бораётганидан далолат.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Нуқтаи назар

ЯНГИ МАРКАЗ БИЛИМДОН ЎҚУВЧИНИ ҲАМ, УНИНГ УСТОЗИНИ ҲАМ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙДИ



Инсон илм билан улуғланади, у орқали кўзлаган мақсадларига эришади. Бугун ҳар томонлама ривожланган дунёда яшаяпмиз. Янгидан-янги кашфиётларга қўл урилмоқда. Шу боис, ҳар бир мамлакат, жамият тараққиёти илм-фан ривожи билан узвий боғлиқ. Илмга қаратилаётган эътибор давлатнинг эртанги кунини белгилаб беради. Вақт билан ҳамнафас яшаш, бугуннинг янгиликларидан бохабар бўлиш ҳар қачонгидан долзарб.



Бугун яратилган шароитлар натижасида ёшларимиз замонавий, барча қулайликка эга билим даргоҳларида таълим олиб, қобилияти ва иқтидорини юзага чиқариш, халқаро фан олимпиадалари, кўрик-танловлар, спорт мусобақаларида юқори ўринларни эгаллаш, ривожланган давлатлардаги нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олиш имкониятига эга бўлмоқда.

Президентимизнинг жорий йил 30 сентябрдаги “Иқтидорли ёшлар билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борада янги имкониятлар эшигини очди. Қарорга кўра, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги ҳузурида давлат муассасаси шаклида Фан олимпиадалари маркази ташкил этилади.

— Мамлакатимизда иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, салоҳиятини рўёбга чиқариш, илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятини самарали йўлга қўйиш учун қўшимча шарт-шароит яратиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда, — дейди Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги директори Алишер Уббиев. — Мазкур қарор ҳам ёш авлоднинг илм эгаллашга иштиёқини ошириш, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузини юксалтириш учун иқтидорли ёшлар билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга хизмат қилади. Марказни ташкил этишдан асосий мақсад ёшларни жаҳон миқёсидаги олимпиадаларга тайёрлашда оддий ва ихтисослаштирилган мактаблар ҳамда техникум ва коллежда бу жараёнга ёндашув бир хил эмаслиги, иш турли стандартларда юритилаётганидир. Бу тизим энди яхлит ҳолда, ягона стандартлар асосида йўлга қўйилади. Қобилиятли ҳамда фанларни чуқур ўрганишга қизиқадиган ёшларни аниқлаш ва селекция қилиш, иқтидорини янада ривожлантириш, ўқувчиларни фан олимпиадаларига мақсадли тайёрлаш учун зарур шарт-шароит яратиш, юқори натижаларга эришган ўғил-қизларни қўллаб-қувватлаш каби вазифалар марказнинг асосий фаолият йўналишлари этиб белгиланди.

2025 йилдан Фан олимпиадалари маркази томонидан 5-8-синф ўқувчилари ўртасида олимпиадаларда юқори натижаларни қайд этган иқтидорли ўғил-қизлар базаси шакллантирилади ва уларни халқаро олимпиадаларга мақсадли тайёрлаш йўлга қўйилади. Ҳар бир фан йўналиши бўйича ўқув дастурлари, адабиётлар, методик тавсиялар, қўлланмалар ишлаб чиқилади. Шунингдек, ўқувчиларни фан олимпиадаларига тайёрловчи тренер-ўқитувчиларнинг узлуксиз касбий ривожланиши учун зарур шароит яратилади, уларга янги методикалар ўргатиб борилади. Фан олимпиадалари бўйича миллий терма жамоаларнинг хорижий давлатлар терма жамоалари билан қўшма йиғинларини ўтказиш амалиёти йўлга қўйилади. Ўқувчилар учун халқаро олимпиадаларда руҳий босимни енгиш бўйича семинарлар ҳамда руҳлантирувчи тренинглар, иқтидорли ёшлар учун “интеллектуал оромгоҳлар” ташкил этилади.

— Халқаро олимпиадалар ғолиблари, уларнинг ўқитувчилари ва терма жамоалар раҳбарларига белгиланган миқдорда бир марталик пул мукофоти тақдим этилади, — дейди Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги бошқарма бошлиғи Умид Раҳмонов. — Хусусан, терма жамоалар раҳбарлари нуфузли халқаро олимпиадаларда қўлга киритилган ҳар бир олтин, кумуш ва бронза медаль учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 35, 25, 15 баробари миқдорида бир марталик пул мукофоти билан тақдирланади. Терма жамоалар раҳбарларини пул мукофоти билан сийлаш 2027 йилга қадар давлат бюджетидан, 2027 йилдан бошлаб марказнинг бюджетдан ташқари маблағи ҳисобидан амалга оширилади. 2025 йил 1 январдан бошлаб асосий фан олимпиадаларининг ҳудудий ва республика босқичлари ҳамда халқаро олимпиадаларда ғолибликни қўлга киритган ўқувчилар, уларнинг ўқитувчилари ва терма жамоалар раҳбарларига тўланадиган пул мукофоти ва бериладиган совғалар даромад солиғидан озод этилади.

— 2019 йили халқаро фан олимпиадасида иштирок этганман, — дейди Абу Али ибн Сино номидаги ихтисослаштирилган мактаб ўқувчиси Моҳира Болтаева. — Айнан ўша йилдан ғолибларга пул мукофоти бериш бошланган. Унгача бундай рағбатлантириш тизими йўқ эди. Президентимизнинг мазкур қарори ёшларни ислоҳотларнинг фаол иштирокчисига айлантириш, илм-фанга қизиқишини оширишга хизмат қилади. Энг асосийси, янги Ўзбекистон йигит-қизларини изланувчанлик ва яратувчанлик фаолиятига кенг жалб қилиш, ёшлар ўртасида ўзаро соғлом рақобат муҳити шаклланишида муҳим аҳамият касб этади.

Терма жамоалар раҳбарлари, кузатувчилари ва ўқувчиларнинг халқаро олимпиадалардаги иштирокини таъминлаш билан боғлиқ, жумладан, суткалик, яшаш, суғурта ва транспорт харажати давлат бюджетидан Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигига ажратилган маблағ ҳисобидан қопланади.

Халқаро фан олимпиадаларида қатнашиш учун жалб этиладиган ўқувчилар ўқув йиғинлари даврида давлат бюджети ҳисобидан бепул озиқ-овқат ва ётоқхона билан таъминланади.

2025 йил 1 декабрга қадар халқаро ва маҳаллий фан олимпиадалари натижаларининг доимий статистикасини юритиш, онлайн фан олимпиадалари ташкил қилиш ва ўтказиш ҳамда олимпиадалар иштирокчиларининг маълумотлар базасини шакллантириш имконини берувчи электрон платформа яратилади.

Ушбу қарор ёшларнинг илм-фанни ўзлаштиришга қизиқишини қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлиб, юртимиз довруғини дунёга кенг ёйган буюк аждодларга муносиб авлодни тарбиялаш учун қулай шарт-шароитлар яратади.

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Таълим тараққиёти

ДАВР ТАЛАБЛАРИГА ЖАВОБ БЕРАДИГАН АВЛОД

Уларни биз — педагоглар тарбиялаймиз

Ҳаётимиз фаровонлигини ошириш ва порлоқ келажагимизни яратиш таълим тараққиёти ҳамда фарзандларимиз тарбияси билан чамбарчас боғлиқ. Таълим ҳар бир давлатни қудратли, миллатни эса буюк қиладиган энг муҳим омилдир.

Мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида таълим-тарбия тизимини ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Замонавий, бугунги кун талабларига жавоб берадиган, ватанпарвар кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратила бошланди. Айниқса, сўнгги йилларда таълим-тарбия тизими сифати ва самарадорлигини таъминлаш, умумий ўрта таълимни янги босқичга кўтариш, соҳани жадал ривожлантириш масаласига янгича ёндашилмоқда.

Ёш авлод таълим-тарбиясини устувор вазифа сифатида белгилаган миллат келажагининг пойдевори мустаҳкам, эртаси кафолатланган бўлади. Шиддат билан ўзгариб бораётган замон, жаҳон бозоридаги кескин рақобат ва юқори малакали кадрларга талабнинг ортиб бораётгани ушбу соҳада ҳам тобора янги ислоҳотларни амалга оширишни талаб этади. Бу табиий ҳол, албатта.

Ўтган даврда ўқувчиларда юқори билим ва кўникмаларни шакллантириш, педагогларнинг ўз салоҳиятини тўла юзага чиқаришини таъминлаш, дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни жаҳон стандартлари асосида такомиллаштириш, таълим даргоҳларида зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича фармон ва қарорлар имзоланмоқда. Бундан ташқари, таълим соҳасининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган қонунлар амалиётга жорий этилмоқда. 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги қонун бунинг яққол исботидир. Мазкур қонун илк марта 1992 йили қабул қилинди, 1997 йилда янгиланди. Орадан шунча вақт ўтиб янги таҳрирда қабул қилиниши эса соҳадаги йирик ислоҳотлардан бири бўлди. Тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйган мамлакатимизнинг бугуни ва эртаси учун муҳим мазкур ҳуқуқий ҳужжат билан танишиб, амин бўлдикки, унда бугун юртимизда юз бераётган ўзгариш ва янгиликлар, ислоҳотлар ўз ифодасини топган.



Янги таҳрирдаги Конституциямизда давлат бепул умумий ўрта таълим ва бошланғич профессионал таълим олишни кафолатлаши белгиланган.

> **Жорий йил 1 февраль куни қабул қилинган “Педагогнинг мақоми тўғрисида”ги қонун билан педагог ходимнинг жамиятдаги мақомини юксалтириш, унинг фаолияти билан боғлиқ ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий асос ва кафолатлари яратилди.**

Уларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, улар фаолиятининг асосий кафолатлари, меҳнатига яраша ҳақ тўлаш, рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш тамойиллари белгиланди. Педагогларни лавозим мажбурияти ва касбий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ишларга, йиғилишлар ва бошқа тадбирларга жалб қилиш тақиқланди. Давлат таълим ташкилотларида фаолият юритаётган педагог ходимларнинг давлат соғлиқни сақлаш муассасаларида мажбурий тиббий кўрикдан бепул ўтиши кўзда тутилди. Педагогларни янги турдош фан бўйича қайта тайёрлаш давлат бюджетидан амалга оширилиши кафолатланди.

Ўқувчиларнинг иқтидори ва қобилиятини янада ривожлантириш бўйича мутлақо янгича механизмлар жорий этилмоқда. Хусусан, таълим жараёнига илғор методларни қўллаш, замонавий билимлар ва чет тилларни пухта ўзлаштириши учун Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар, Темурбеклар мактаби фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу ўқув масканлари етук кадрларнинг янги авлодини тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Соҳадаги кенг кўламли ислоҳотларнинг самараси ҳақида яна бир ҳаётий мисол. Яқин-яқингача ҳам фарзандларимизни хусусий мактабларда ўқитиш хаёлимизга келмаганди. Энди бу каби мактаблар сони йилдан йилга ортиб бормоқда.

Уларга нодавлат мактаблар кўрсатадиган таълимга оид хизматлар учун ота-оналар ва фарзандликка олувчиларга солиқ имтиёзлари берилди. Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш бўйича яратилган қулай шарт-шароитлар натижасида ушбу соҳа жадал ривожланмоқда. Давлат ва нодавлат таълим муассасалари ўртасида соғлом рақобат муҳити пайдо бўлмоқда. Етук кадрлар ва билимли ўқувчилар сони ортмоқда. Бу соҳа тараққиётига муносиб ҳисса қўшади.

Таълим даражаси ва сифати ҳар қандай давлатнинг истиқболини белгилаб берадиган муҳим омилдир. Мамлакат ва миллат келажаги тақдири ислоҳотлар натижаси, ёш авлоднинг эртага давр ва тараққиёт талабларига жавоб бера олишига боғлиқ.

Гулёра ШУКУРОВА,
ўқитувчи

Саломатлик

Сил — инсоният тарихидаги “ёши улуғ” хасталиклардан. У турмуш тарзи ҳаминқадар бўлган қишлоқлар ва оилаларда “гуллаб-яшнаган”. Овқатга қорни тўймаган, оч-наҳор одамлар унга нишон бўлган ва тиббиёт чорасизлиги сабабли кўплаб одамларнинг ёстиғи қуриган. У ҳақда халқ орасида “йўқсиллар хасталиги” ибораси юриши шундан қолган бўлса, ажаб эмас.
Бугун мамлакатимизда сил касаллигига қарши таъсирчан кураш олиб борилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2023 йил 20 январдаги “2023-2026 йилларда фтизиатрия ва пульмонология хизматини янада ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бунга қадар бўлган меъёрий ҳужжатларни тўлдириш баробарида, профилактика ва даволаш ишларини ташкил этишда дастуруламал вазифасини ўтамоқда.



БЕМОРДА ИШОНЧ БЎЛСА,

ҲАР ҚАНДАЙ КАСАЛЛИКНИ ДАВОЛАШ МУМКИН

“Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлар”

Бухоро вилоятида ихтисослаштирилган фтизиатрия хизмати кўрсатишда катта тажриба тўпланган, десак муболаға бўлмайди. Аҳоли орасида касаллик тарқалишининг олдини олиш учун хасталик ўчоқларини вақтида аниқлаш ва бартараф этишда энг замонавий диагностика аппаратлари ҳамда кучли билим ва малакага эга мутахассислар муҳим аҳамият касб этяпти.

Вилоят фтизиатрия ва пульмонология маркази 210 ўринга эга. Олтита даволаш бўлимида силнинг таъсирчан, резистент турлари ва ўпканинг носпецифик касалликлари билан оғриганлар, хасталикда гумон қилинганлар, қўл, оёқ, умуртқа ҳамда таносил йўлларидаги силдан азият чекаётган беморлар даволанади. Болалар учун ҳам алоҳида бўлим мавжуд.

Марказда Бухоро давлат тиббиёт институтининг фтизиатрия кафедраси ҳам жойлашган. Клиник ва бактериологик лабораториялар ишлаб турибди. Ҳудудий лабораториялар Навоий ва Қашқадарё вилоятларига ҳам хизмат кўрсатади. 100 қатновга мўлжалланган поликлиника ҳам бор.

2023 йилнинг охирларида марказда сил билан касалланишга мойил бўлган гуруҳга мансуб болаларда зарарланиш даражасини аниқлаш мақсадида QuantiFERON-TB Gold Plus синамасини ўтказиш йўлга қўйилди ва 100 та тест ўтказилди. Диаскинтест текширувларига 675 бола жалб қилинди.

Айнан ўша йили давлатимиз қўллаб-қувватлови билан “Ўпка саломатлиги” мобил комплекси харид қилинди. Комплекс таркибидаги мобил рентген ҳамда сунъий интеллект ташхис ускунаси ёрдамида 4500 дан ортиқ фуқаро тиббий текширувлардан ўтказилди ва муолажаларга қамраб олинди.

Вилоятда сил ва унинг резистент турини аниқлашда генмолекуляр ташхислаш усулидан кенг фойдаланилмоқда. Бунинг учун балғам намуналарини туман ва шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникаларидаги фтизиатрия лабораторияларига етказишнинг логистикаси ташкил қилинган. Фаол сил беморларини даволашда юқори технологик жарроҳлик амалиёти самарали бажарилмоқда. Бугун болалар орасида ўпка емирилиши билан боғлиқ патологиялар деярли йўқ. Бу ҳам бир ютуқ.

Ёғоч бинода бемор кўриларди

Сўнгги йилларда марказ қиёфаси тубдан ўзгарди. Бунга қадар фтизиатрлар оҳори тўкилган ёғоч биноларда беморларни қабул қилган, даволаган. Тиббий аппаратлар ҳам бугунгидек такомиллашмаган эди. Шундан бўлса керак, илгари дипломини қўлига олган унча-мунча ёш кадр фтизиатр бўлишга ошиқмаган. Аммо бугун вазият мутлақо бошқача. Бу ерда кенг кўламдаги ишлар бажарилди. Қисқа муддатда диагностика ва даволаш бўлимлари учун замонавий бинолар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Зарур тиббий жиҳоз ва аппаратлар билан таъминланди. Беморлар тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ электронлаштирилган. Бу хасталар билан ишлашда қулай имконият яратмоқда.

Бирламчи бўғин ҳушёрлиги жуда муҳим

Касалликнинг олдини олиш ва даволашда бирламчи бўғинда ишлаётган тиббиёт ходимларининг фаоллиги муҳим аҳамият касб этади. Баъзи ҳолларда беморлар касалликни ўтказиб юборган паллада мурожаат қилади. Қандли диабет, ошқозон яраси каби қатор йўлдош касалликлари бор кишилар учун эса сил янаям оғир кечади. Натижада ўпка емирилиши босқичида марказга келган беморни сақлаб қолиш шифокор учун имконсиз. Ваҳоланки, касаллик эрта аниқланганида профилактика тадбирлари самараси юқори бўлади. Бугун тиббиёт муассасаларида силни даволаш — бепул. Дори-дармондан тортиб, уч маҳал овқат харажатигача давлат томонидан қопланяпти.

— Бирламчи бўғинда фтизиатрик ҳушёрликни ҳали талаб даражасида деб бўлмайди. Аксариятида “марказ шуғулланяпти-ку, шу етади”, деган лоқайд тасаввур шаклланган. Ваҳоланки, профилактика қуйи бўғин зиммасидаги вазифа, — дейди марказнинг ташкилий-услубий бўлим мудири, олий тоифали фтизиатр Жамшид Раҳимов. — Инсонда касалликларга қарши туғма иммунитет бўлади. Силга қарши иммунитет инсон организмида мавжуд эмас. Мутахассислар сунъий иммунитет ҳосил қилиш учун чақалоқ туғилганининг илк кунларидаёқ БЦЖ эмлаш ўтказади. Касалликнинг сезгир, резистент ва барча дорига резистент турлари мавжуд. Хасталик сўнгги турига ўтмаслиги учун шифокорлар жонини жабборга бериб ишлаяпти.

Вилоятнинг ғарбий туманларининг биридан келган фуқарода сил касаллиги аниқлангач, тезда даволаш ҳаракати бошланади. Лекин унда хасталик аниқланганидан норози турмуш ўртоғи жанжал кўтариб, кўнглига тегадиган гапларни гапиради. Аламига чидай олмаган эркак ўз жонига қасд қилади. Шу важдан силдан даволанаётган беморлар учун руҳий хотиржамлик биринчи ўринда туриши керак. Бундай беморлар дарахтдаги сўнгги япроқдек нозик бўлиши ҳам бежиз эмас. Тўғри овқатланиш ва дориларни ўз вақтида ичишга риоя қилиш муолажа кафолатини таъминлайди.

Баъзилар силга даво йўқ деб ўйлайди, аслида-чи?

Бир пайтлар силга чора бўлмаган. Лекин ҳозир ҳам шу гапга ишонадиган беморлар бор. Шифокорлар аксарият ҳолларда ёши улуғ беморлар билан ишлашда қийналади. Соғайишига ишонч ҳосил қилдириш, кези келганда, игна билан қудуқ қазишдек машаққат. Бироқ тиббиётнинг имкониятлари шу қадар кенгайиб кетдики, бугун сил касаллиги ўпка ва ўпкадан ташқари аъзоларда самарали даволаняпти.

Касалликнинг ташилишида миграциянинг ҳам ўрни борлигини унутмаслик керак. Баъзида хориждан касаллик билан келиб, марказга мурожаат қилган, даволаш курсларини тўлиқ тугатмай, яна келган жойига равона бўлган ватандошларимиз ҳам учраб туради. Улар ўзларини, яқинларини ва атрофдагиларни хатарга қўяётганини, афсуски, билмайди.

Айрим мутахассисларга эҳтиёж бор

Фтизиатр мутахассислари ривожланган мамлакатларда малака ошириб, силни даволашда катта натижаларга эришмоқда. Шунга қарамай, фтизиопедиатр, фтизиоурологларга марказда эҳтиёж бор. Ишлаб турганларининг аксарияти нафақа ёшида.

Марказ ишида бронхоскоп аппаратининг аҳамияти сезиларли. Бу ерда йўқлиги сабабли беморлар шундай тиббий аппарат мавжуд муассасаларга йўналтириляпти. Шунингдек, БАК лабораториянинг вентиляция тизими ислоҳга муҳтож. Тез орада бу масалалар ҳам ўз ечимини топади.

Ҳамзабек ТУРДИЕВ,
журналист

Қорақалпоқ адабий тилининг шаклланиши, ривожи ва такомиллашувида Ажиниёз Қўсибой ўғлининг хизмати катта. У қорақалпоқ адабиётига туркийзабон халқлар учун умумий бўлган ёзма адабиёт анъаналарини олиб кирди.

2024 йил 8 ноябрь, 227-сон

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

Ажиниёз таваллудининг 200 йиллигига

ҚОРАҚАЛПОҚ АДАБИЙ ТИЛИ ШАКЛЛАНИШИГА КАТТА ҲИССА ҚЎШГАН ШОИР ВА МУТАФАККИР



Ажиниёз Қўсибой ўғли бетакрор ва сермазмун ижоди билан халқимиз маданияти ва адабиётини ривожлантириш, ёш авлодни ватанпарварлик ва эзгу ғоялар руҳида тарбиялаш, ўзбек ва қорақалпоқ халқлари ўртасидаги азалий дўстлик ва оғизбирчиликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшган улкан ижодкордир.

Гулмира КАРЛИБАЕВА,
Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети профессори, филология фанлари доктори

Президентимизнинг жорий йил 16 июлдаги “Атоқли қорақалпоқ шоири ва мутафаккири Ажиниёз Қўсибой ўғли таваллудининг 200 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори билан адибнинг адабий меросини янада кенг ўрганиш ва оммалаштириш ҳамда таваллуд санасини муносиб нишонлаш мақсадида бир қанча тадбирлар, режалар белгиланди. Бу эътибор шоир ижодига юксак эҳтиром белгисидир.

Ҳассос шоирнинг шеър ва достонларида акс этган умуминсоний қарашлар эл-юртимиз қалбидан чуқур жой эгаллагани жойларда ташкил этилаётган тадбирларда ҳам намоён бўлаётир. Ажиниёз Қўсибой ўғлининг қорақалпоқ адабий тили ривожидаги ўрни алоҳида.


XIX аср қорақалпоқ мумтоз поэзияси миллат маданияти тараққиётида олтин ҳалқани ташкил қилади. Жорий ижодий босқичда ифода ва тасвир имкониятлари анъанавий услубий қўлланма ҳосил қилиш баробарида давр ижтимоий-тарихий манзарасини чизиш, ҳаётий-маиший муаммолар ҳажмини умумлаштириш, воқеа-ҳодисот моҳиятига кириб боришга мойиллик, халқ маънавияти, манфаати ва эҳтиёжларини таҳлиллашга интилиш анъанага айланаёзди. Хусусан, Кунхўжа шеъриятида сўз ва тасаввур бирбирини тўлдирувчи ажиб уйғунликка эришади. Ажиниёз лирикасида диний-маърифий ақидалар устуворлиги қабариб кўринади.

Қорақалпоқ адабий тилининг шаклланиши, ривожи ва такомиллашувида Ажиниёз Қўсибой ўғлининг хизмати катта. У қорақалпоқ адабиётига туркийзабон халқлар учун умумий бўлган ёзма адабиёт анъаналарини олиб кирди. Шу маънода, Ажиниёз адабий меросини қорақалпоқ ёзма адабиёти ва адабий тил тадрижи тизими яхлитлигида ўрганиш муҳим илмий эҳтиёжлар келтириб чиқаради.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, шоир яшаган даврда қорақалпоқ адабий тили тарихида иккита йўналиш муҳим саналган. Биринчи йўналиш — қорақалпоқ халқи ҳаётида амалда бўлган умумхалқ сўзлашув услуби негизида асарлар яратиш, иккинчи йўналиш Марказий Осиё маданий ҳаётида ҳукм сурган бир неча асрлик туркий адабий тил анъаналарига таянган ижод намуналарини ривожлантиришдир. Қорақалпоқ ёзма адабиёти ва адабий тилининг шаклланиши ҳам ана шу туркий адабий тил анъанаси билан боғлиқ. Марказий Осиёда амалда бўлган туркий адабий тил ҳудудда яшайдиган барча туркий халқлар учун муштарак тил вазифасини ўтаган.

Шарқ халқлари адабиёти етук намояндаларининг Ажиниёз ижодига таъсири кучли бўлган. Бу эса шоирга ёзма адабиёт анъаналаридан ижодий фойдаланиб, умумхалқ қорақалпоқ тили асосида адабий тил меъёрларини муайян тартибга тушириш учун катта имконият яратган. Шу маънода, у қорақалпоқ ёзма адабий тилига туркийзабон халқлар учун муштарак бўлган туркий адабий тил анъаналарини олиб кирган тарихий сиймодир.

Ажиниёз Шарқ шеъриятини яхши билган, унинг асрлар давомида шаклланган анъаналари, тажрибаларини чуқур ўзлаштирган шоир сифатида қорақалпоқ поэзиясини жанр, шакл, бадиий восита ва услуб жиҳатидан анча



бойитди. Тил бадиий тасвир воситаларининг маъно мукаммаллигига эришиш учун ундан поэтик санъатлар ифодаси сифатида моҳирона фойдаланди. Қорақалпоқ адабиётида сўз қўллаш санъатини адабиётнинг руҳий-эстетик моҳияти ва инсон ботиний дунёсини очиб бериш тамойилларига бўйсундирди, қорақалпоқ адабиётини халқчил, инсонпарвар, теран ички туйғуларни нозик ифодаловчи адабиёт ўзанига бурибғ юборишга эришди.

Шарқ мумтоз адабиётининг етук намояндалари — Навоий, Фузулий, Махтумқули асарларидан чексиз илҳомланди, уларни ижодий қайта ишлаб, қорақалпоқ ёзма адабиётини шаклан ва мазмунан бойитди, тилини эса оддий сўзлашув тилидан гўзал адабиёт тилига айлантирди. Дарҳақиқат, шоир асарлари таъсирчан, гўзал, лексик-семантик ва услубий жиҳатдан ранг-баранг. Бу ҳақда академик Ҳ.Ҳамидов “XVII-XIX асрлардаги қорақалпоқ шоирлари орасида ўз асарлари ва тили бўйича алоҳида аҳралиб турадигани — Ажиниёз Қўсибой ўғли. Унинг асарларида, тилида Шарқнинг таъсири кўпроқ сезилади. У маҳаллий она тилини билиш билан бирга ўша даврнинг ҳавас қилса арзийдиган намунаси — Шарқ маданиятини, тилини, Марказий Осиё ёзма адабий тилини яхши билган ва уни ўз она тили — қорақалпоқ тили билан пайваста қила олган. Ажиниёзнинг яна бир хусусияти ижодининг ёзма адабий тилга мансублигидир. Унинг ушбу анъанага бевосита алоқадорлигини кейинги йилларда топилган асарларининг қўлёзма нусхалари тўла ойдинлаштиради”, дея таъкидлаган.

Шоир лирикасида бадиий тил пухта ишланган восита. У халқ лисонида истеъмолда бўлган луғавий бирликлардан ўринли ва унумли фойдаланиш даражаси билан ўлчанади. Бадиий санъат муайян малакасиз, нозик қочирим, сўзни ҳар хил маъно товланишларида қўллашсиз ўз вазифасини тугал адо эта олмайди. Ажиниёз ўз асарларида сўз санъатининг турли усулларини қўллаб, шеърларининг поэтик қимматини ошириш, уларни халқ дилига яқинлаштиришга интилган. Шоир, энг аввало, асарларида сўзларнинг кўп маънолилигидан моҳирона фойдаланган. Шу асосда шеърларида кўриш, тасаввур қилиш, севиш, фаҳмлаш, тушуниш, англаш, ҳиссий завқланиш туйғулари билан боғлиқ уйғунликка эришишга ҳаракат қилган.

Ижодкор айнан қорақалпоқ мумтоз адабиёти вакиллари орасида бадиий тил имкониятларини янада кенгайтиришга хизмат қилган. Унда тасвир кўп қатламлилиги билан ифода ўзига хослиги бир-бирига ўтиб турадиган тушунчалар саналади. Шу боис, адабий талқинда халқона оҳанг устувор. Туйғулар реализми ҳаққонияти кўп маъноли сўзлар танловида ёрқин инъикосини топади. Бинобарин, истилоҳ тил мезонлари барқарорлашувига мустаҳкам замин ҳозирлайди. Одатда тушунча маъно тармоқлари кенгайиши тил назариясида полисемия деб аталади. Кўп маъноли сўз қўлланишида Ажиниёз поэтик маҳорати кўзга ташланади:

Мамбет тўра бош бўлиб, келади қўл,
Қўлнинг кўплигидан қазилар йўл...

Бу мисолдаги **қўл** сўзи “одамнинг қўли” маъносида эмас, сўз бирикмаларидаги “қўл келади”, “қўлнинг кўплиги” маъносида Мамбет тўра бошқарган аскарлар келаётгани, уларнинг кўплиги ҳақидаги тушунчани англатади. Демак, кўп маъновийлик лексик маъно одатий тадрижида эмас, балки маънолар орасидаги яхлитлик, маъно англатиш тизими тармоқлари хосланганлик даражасидагина тўлақонли поэтик аҳамият касб этади.

Сўзнинг ўз ва кўчма маънолари, кўп маъновийлик, уларнинг орасидаги боғлиқлик бу тарихий тараққиёт давомида барқарорлашадиган тил семантик ўзгаришларидан иборат. Масалан, Ажиниёз қаламига мансуб “Бўзатовли нозанин” номли шеърда бунинг ёрқин тажассумини кўриш мумкин.

Сўз кўп маънолиги ҳосил бўлишининг энг асосий усулларидан бири — метафора. Ажиниёз асарларида қўлланган *метафоралар* поэтик нутққа алоҳида жозибадорлик ва эмоционаллик бағишлайди. Унда халқ тилига хос образли метафоралар ҳам, бадиий адабиётга хос образли-экспрессив метафоралар ҳам, фақат шоирнинг индивидуал услубига хос метафоралардан ҳам моҳирона фойдаланилган.

Истиорани унумли қўллашда Ажиниёзнинг индивидуал поэтик услуби ўзига хослиги кўзга ташланади. Унда ташбеҳ қўллаш, тасаввур аниқлигини ҳосил қилиш билан пайванд адабий маҳорат савияси сезилади:

Сўзлаганда шакар этар сўзингни,
Кўрганда бемагрур этар ўзингни,
Баҳори тўйдирар икки кўзингни,
Лайли, Зулайҳодай қизлари бордир...

Шеърий лавҳада муаллиф миллий маънавият ифодасини тадқиқ саҳнига чиқаради. Юрт тараннуми чизилган манзара яратишда шоир “сўз”, “кўз” тушунчалари маъно товланишидан самарали фойдаланади. Тил, журъат ва ризқ-насиба маъноларини ташийдиган маъно узларида ўзига хос тароват мужассам. Нутқ ва намойиш муқоясасини урғулаган санъаткор поэтик идрок яхлитлигини айнан тасаввурлараро рақобатдан ахтаради. Метафорик фикр қатидан сизиб чиқадиган мушоҳада мантиғи ташбеҳни деталлаштиради:

Аввало, дунёга келди Банижон,
Эллик минг йилдан сўнг фоний демишлар.
Инс-жинси, жонли-жонсиз бир инсон,
Одам карвон, дунё сарбон демишлар.

Ажиниёз “Демишлар” шеърида метафорик тафаккур умумлашган ифода тарзи кузатилади. Сюжет ва образни туташтирадиган истиорада мавжудлик жумбоғи, одамзод ибтидоси ва интиҳоси ҳамда ҳаётнинг мазмунмоҳияти фалсафий умумлаштирилади. Мавжуд ҳолат, биринчидан, тасаввур-таассурот кўп қатламлилиги ҳосиласи, иккинчидан, бадиий вазифадошлик кенгайиши, учинчидан, ижодий яхлитлик зичлиги билан изоҳланади. Адабий муҳокамада Банижон қиёфаси доминант образ тарзида мушоҳада мантиқий тараққиётини таъминлаган. Ибтидоий тасаввурга мувофиқ, одамзоддан аввал пайдо бўлган баҳайбат қуш ақлли ва сўзлай олиш қобилиятига эга бўлган жонзот саналади. Эллик минг йил умр кўрадиган махлуқ тирноқ билан тоғлар қазигани эътироф этилади. Муаллиф “инсон карвон, дунё сарбон” таъкидлови воситасида фақат ва фақат эзгулик умри боқийлигига ишора қилади. Муаллиф фалсафий мушоҳада тазодий муносабати (бақо ва фано) ёрдамида инсониятни огоҳликка даъват этади.

Умуман, Ажиниёз шеъриятида воқеликни поэтик идроклаш ва реал баҳолаш жараёни тасаввурга мунтазам вазифадошлик юклаш — уни бойитиб бориш воситасида муайян эстетик салмоқ касб этган.

Мутолаа завқи

БУГУНГИ “КИТОБХОН БОЛАЛАР” — ЭРТАНИНГ “ДУНЁ ДАҲОЛАРИ”

БОЛАЛАР УЧУН ЎН НОМДАГИ ЯНГИ КИТОБЛАР НАШРДАН ЧИҚДИ



Ота-оналар “Фарзандим телефондан бошини кўтармайди, қўлига китоб олмайди”, дея кўп нолийди. Аммо ўзи ўрнак бўлиб уларга китоб ўқиб беришга, ёшига мос асарлар совға қилишга доим ҳам қунт қилавермайди. Альберт Эйнштейн “Болаларингиз ақлли бўлишини истасангиз, уларга эртаклар ўқиб беринг. Болаларингиз янада ақлли бўлишини истасангиз, уларга кўпроқ эртак ўқиб беринг”, деган эди. Ҳа, боланинг ёш тоифасига, руҳиятига ҳамда дунёқарашига мос асарларга доим эҳтиёж бор.





Жорий йил 7 ноябрь куни пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Журналистлар уюшмаси ҳамда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ҳамкорлигида “Китобсевар миллат” шиори остида “Китобхон болалар” ва “Дунё даҳолари” рукнида чоп этилган китоблар тақдимоти ўтказилди.

Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан эълон қилинган 2023 йилда ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасида муҳим ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга оширишга давлат ижтимоий буюртмаларини тақдим этиш учун танловда Журналистлар уюшмасининг “Аҳоли, айниқса, ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, баркамол шахсни тарбиялашда китобхонлик маданиятини ошириш” лойиҳаси ғолиб топилган.

Лойиҳа доирасида болалар ва ўсмирлар учун ўзбек ва жаҳон адабиётининг ўн номдаги энг яхши намуналарини нашрга тайёрлаш, чоп этиш, аудио шаклларини яратиш, уларни ахборот-кутубхона муассасаларига беғараз тақдим этиш белгиланган эди. Натижада “Китобхон болалар” рукни остида “Шалола”, “Оқ қовуннинг боласи”, “Учар ҳаммом”, “Сеҳргарнинг узуги”, “Болаликнинг қўлидан тутиб”, “Дунё даҳолари” туркумидаги “Стив Жобс — компьютерга жон берган одам”, “Муҳаммад Али — барча даврларнинг буюк боксчиси”, “Леонардо да Винчи — замонасидан илгарилаб кетган ақл соҳиби”, “Моцарт — мусиқа даҳоси”, “Альберт Эйнштейн — серқирра даҳо” китоблари чоп этилди. Китоблар мазмунига мос расмлар билан бойитилди, улар болалар эътиборини ўзига жалб этишга, воқеалар тасаввурида гавдаланишига хизмат қилади.

Шу кунгача болалар учун нашр этилган китобларда буюк шахсларнинг 40-50 ёшдаги ҳаёти кўпроқ тасвирланган. Унинг болалик ва ўсмирликдаги ҳаёти, қизиқишлари, қандай қилиб бу даражага етгани ҳақида тўлароқ маълумот берилмайди. Бундай асарларни ўқиган бола қаҳрамонга ҳавас қилиши, ишларидан ҳайратланиши мумкиндир, аммо илҳом олиши, мурғак қалбида мотивация уйғониши, у ҳақида фикрлари тўлиқ шаклланиши учун етарли бўлмайди. 7-8 ёшли бола учун Амир Темур ёки Жалолиддин Мангубердининг ўттиз ёшдаги фаолиятидан кўра ўзи билан баравар, бола Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур ҳақидаги ҳикоялар қизиқ эмасми?!

— “Дунё даҳолари” рукнида чоп этилган китобларда фақатгина даҳоларнинг кашфиётларию илмий салоҳияти, ақлбовар қилмас истеъдодига урғу бермасдан, уларнинг болалик йиллари, илк орзулари, оиласий муҳити ҳақида ҳикоя қилишни мақсад қилдик, — дейди “Asaxiy Books” лойиҳаси раҳбари Фируз Аллаев. — Яъни болаларга асар қаҳрамонларини бирданига даҳо деб эмас, ўзи тенги ўсмир қилиб таништирдик, қайси босқичлардан ўтиб бундай натижаларга эришганини тасвирлашга интилдик. Ўйлайманки, бу ҳам янги ёндашув ва самарали йўлдир. Ўртача 15 йилдан кейин ҳозирги болалар эртанги Ўзбекистоннинг меҳнат бозорини, қолаверса, ижтимоий-сиёсий, маънавий майдонини эгаллайди. Эртамиз қандай одамлар қўлида қолиши эса бугун уларга нималар ўргатишимиз ва уларнинг қўлига қандай китоблар тутқазишимизга боғлиқ.

Сўнгги йилларда болалар адабиёти юртимизда бир оз оқсаётган, бу йўналишда ижод қилаётганлар камайиб кетгандек, ўқувчиси кутаётган асарлар ёзилмаётгандек туйилади. Аслида, танганинг иккинчи томони ҳам бор: бу болалар учун асарларнинг бозори чаққон эмаслиги, ижодкорнинг кўп нусхада китоб чоп этиш харажатлари қопланмаслиги, унинг моддий рағбатлантирилиши масалалари билан ҳам боғлиқ. Чекка ҳудудларда ижод қилиб, ўсмирлар ва болалар дунёсини очиб берадиган асарлар ёзиб юрган, аммо уни нашр этишга ҳомий тополмаётган, “Ўз ёнидан” китоб чиқаришга қурби етмаётган ижодкорлар қанча?! “Китобхон болалар” рукни остида чоп этилган баъзи тўпламлардан айнан шундай иқтидорли шоир-ёзувчиларнинг асарлари жой олган.

— “Болаликнинг қўлидан тутиб” китобига анча йиллардан буён юртимизнинг турли ҳудудларида ижод қилаётган шоир-ёзувчилардан энг қалами ўткирларининг ижодий намуналарини саралаб тўпладик, — дейди болалар ёзувчиси, “Гулхан” журнали бош муҳаррири Заҳро Ҳасанова. — Уларнинг асарлари фақат эстетик завқ беришгина қолмай, ўзи яшайдиган ҳудудга оид топонимлар, табиат ҳодисалари ҳақида тушунча ҳам беради. Одатда болалар фантастик асарларга қизиқади, биз бундай асарлар замирида тўғрисўзлик, яхшилик ғояларини сингдириш орқали мурғак қалб эгалари кўнглига кира оламиз. Бу китобларнинг ҳамма мактабларга, чекка қишлоқлардаги кутубхоналарга ҳам етиб боришини истардим. Уларнинг кўп нусхада чоп этилиши, миллионлаб болалар қўлига тушиши жуда муҳим.

Бир қарашда болалар адабиёти енгил, ёзиш осон туйилиши мумкин. Аммо бу йўналишда “Алдагани бола яхши” қабилида ҳар қандай ижод намунасини ўқувчига тортиқ қилиб бўлмайди. Бунда билиб-билмай болани айёрликка, ёлғон ишлатиб вазиятдан чиқишга, бировнинг устидан масхаралашга ўргатиб қўйишдан эҳтиёт бўлиш ҳамда нозик ёндашув талаб қилинади. Шундай экан, сўнгги йилларда болалар ва ўсмирлар учун чоп этилаётган китоблар, хусусан, “Дунё даҳолари” ҳамда “Китобхон болалар” рукнидаги асарларнинг таҳрир ва таҳлил жараёни муаллиф, муҳаррир, рассом, мусаҳҳиҳ, дизайнер, саҳифаловчи, экспертлар жамоаси каби бир қанча босқичдан ўтиши баробарида ишга болалар психологи ҳам жалб этилгани эътиборга молик.

Барча замонда ҳам инсон онгида маънавий озуқага эҳтиёж, руҳий бойиш учун бўшлиқ сақланиб қолаверади. Ўша бўшлиқни тўлдириш учун озуқани қачон ва қай шаклда етказишни, масъулият ва моҳиятни унутмаслик лозим. Юқорида номлари келтирилган китоблардан катта қисми кутубхоналарга беғараз етказилиши, чекка ҳудудлардаги болалар ҳам бахрамланд бўлиши мақсад қилинган. Ўйлаймизми, бу асарлар ўз жажжи ўқувчиларини топади ва улар учун ҳар томонлама фойдали бўлади.

Рашид ХЎЖАМОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODNI СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Kolorpak” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 3906
41157 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“Kolorpak” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Муножат Мўминова
Мусаҳҳиҳ: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

ЎзА якуни — 21:25 Топширилди — 00:30